


Топил ЖАЛОЛ
Абдукарим ЁҚУБОВ
Дадажон АҲМАДАЛИЕВ

УМР
ЗАРВАРАҚЛАРИ



«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»
очиқ акциядорлик жамияти
2006

65.32 Қишлоқ хўжалик ишисо
диети.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Андижон вилояти бўлимнинг буюртмаси

Ю 32188
091

Жалол Т., Ёқубов А., Аҳмадалиев Д.
Умр зарварақлари - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ,
2006 й., 64 бет.

Мустақил юртимизда инсонни қадрлаш, ўтганларни хотирлаш умримиз мазмунига, яшаш тарзимиз моҳиятига айланиб қолди. Ушбу китобчада Булоқбоши қишлоғида яшаб ўтган бир гуруҳ ўрта бўгин кадрлари, меҳнат илгорлари, маданият ва маърифат тарғиботчилари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Андижон вилоятининг
З. М. Бобур номли кутубхонаси
74.6.
Ж-24

© Т. Жалол, А. Ёқубов,
Д. Аҳмадалиев 2006.
© «Andijon nashriyot-matbaa»
ОАЖ, 2006

20 06	Alisher
1859	O'zbekiston

10

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади, дейдилар. Ўз манфаати-ни кўзлаган, бойлик ва манманликка берилган кишилар пешона-си бир жойга бориб урилгандан кейин минг бора аттанг, дейди-лару, аммо бу афсусланиш асқотмайди. Аксинча, ўз умрини ҳалол меҳнат қилиш билан ўтказган, куч ва билимини Ватан, эл-юрт фаровонлиги йўлида сарф этган инсонларнинг номлари асрлар оша яшайди, қадр-қиммати баланд бўлади.

Айтишларича. Булоқбоши ҳудудида одамлар ўтроқлашиб, муқим яшай бошлаганига тўрт юз йилдан ошибди. Тўрт аср мо-байнида қанчадан-қанча инсонлар бу заминда яшаб ўтган. Улардан айримларининг номлари ҳозир ҳам халқ тилидан туш-майди, асрлар ўтса-да, эсланиб туради. Яратувчилик билан кеч-ган умр, одамлар қалбига сингдирилган яхшилик нури, ўтганларнинг турфа фазилатлари ҳамон бот-бот ёдга олинади. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан кейин жо-нажон юртимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Булоқбошида ҳам ўтган авлодларни хотирлаш ва қадрлаш қишлоқ аҳли тур-муш тарзининг муҳим бир йўналишига айланиб қолди.

Қўлингиздаги ушбу китобча ҳам булоқбошиликлар эзгулик йўналишида бошлаган яна бир хайрли ишнинг ҳосиласидир. Ун-да қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшаб ўтган, ўзларининг у ёки бу соҳадаги ибратли фаолияти билан қишлоқ тарихида ёрқин из қолдирган бир гуруҳ фидойи инсонларнинг ҳаётидан лавҳалар баён этилган.

Нўъмонжон ЗАЙЛОБИДДИНОВ,
Булоқбоши қишлоқ фуқаролар
йиғинининг раиси.

Ҳожибува МАМАЮСУПОВ (1900-1983)



Бу инсонни билмаган ва танимаган одамлар Булоқбошида кам топилади. Негаки, у ўзининг бутун умри давомида ҳалол меҳнати ва комиллиги билан халқ ҳурматиغا сазовор бўлди.

Ҳожибува Мамаюсупов 1900 йилда Булоқбоши қишлоғининг Иттифок маҳалласида оддий деҳқон оиласида туғилди. Отаси Мамаюсуф ака яқка хўжалик бўлиб иш олиб борарди. У ўз ерига арпа, буғдой, қисман пахта экар ва шу маҳсулотлардан келган даромад ҳисобига оиласини боқарди.

Отаси вафот этгач, оилани бошқариш ёш Ҳожибува зиммасига тушди. Бироқ кўп ўтмай отасидан қолган ер мусодара қилиниб, колхоз ҳисобига олиб қўйилди. Ҳожибуванинг ўзи ҳам колхозга аъзо бўлиб кирди. Вақтлар ўтиб, бу инсон ҳаётдаги ўз ўрнини топа билди ва ўша пайтдаги Наримонов (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли ширкат хўжалигининг донгдор аъзоларидан бирига айланди.

Ҳожибува Мамаюсупов 1938 йили хўжаликдаги энг йирик бригадага бошчилик қила бошлади. Бригаданинг 130 гектар ери бор эди. Бироқ бу ерларнинг аксарият қисми янтоқзор, тиканзор ва шўра босган майдонлар эди. Ана шу майдонларни ҳар хил ўт-ўланлардан тозалаш, шўрини ювиш бригада аъзолари учун осон кечмади. Ҳожибува яхши гаплари билан одамлар қалбига йўл топди, барчанинг ҳамжиҳат бўлиб ишлашини таъминлади. Натижада кузги пахта хирмони баракали бўлди. Ҳар гектар майдондан 19 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Ўша пайтда бу кўрсаткич энг юқори натижа ҳисобланарди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бу томонларда ҳам ҳаёт тарзини издан чиқарди. Бригаданинг деярли барча эркак аъзолари урушга кетди. Шундай бўлишига қарамай, Ҳожибува бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар майдондан 22 центнердан пахта ҳосили етиштирдилар. Ҳожибува Мамаюсупов 22 йил бригада бошлиғи бўлиб ишлади.

Уни таниган ва билганларнинг айтишларига қараганда, Ҳожибува ғўза парвариши агротехикасини яхши билган. Ерни чуқур ҳайдаттирган, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланган. Ғўзага ишлов беришда қишлоқ хўжалик техникаларидан ҳам, кетмондан ҳам фойдаланган. Собиқ шўролар тузуми авжига чиққан йилларида «кетмон эскилик сарқити, уни қишлоқ хўжалигида ишлатиб бўлмайди», деган сафсата илгари сурилган. Аммо Ҳожибува бригадасида экин парваришида кетмон асосий ролни ўйнаган. Бригада далаларидаги ғўзалар ости, албатта, бир-икки марта кетмон билан юмшатиб чиқилган.

- Ерни кетмон пишитади. Бу ота-боболаримиздан қолган нақл, - дер экан Ҳожибува. - Кетмон теккан ер яйрайди, қуёш нуруни яхши олади. Ғўза иссиқсевар ўсимлик, унинг танаси қанча қизиса, шунча тез ўсади ва кўп ҳосил беради.

Бу оддий деҳқон Ҳожибуванинг «жайдари» фалсафаси эди. Бу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бинобарин, минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитлардан ҳам кўпроқ фойдаланиш, ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиш яхши самара бермоқда. Ҳожибува ўз даврида ҳашаротга қарши курашда кулдан, олтингургуртдан кенг фойдаланганини инobatга олсак, бу инсон деҳқончилигининг ўша пайтларда ҳаётга кенг татбиқ этилмаган усуллари ҳам яхши билганлиги маълум бўлади.

Булоқбоши азалдан зилол сувлари ва сўлим табиати билан бутун Ўзбекистонга машҳур бўлган юрт. Шунинг учун бу ерга Республика раҳбарлари ҳам тез-тез ташриф

буюришиб туришган. Катта раҳбарлар, албатта, Ҳожибува бошлиқ бригадага бошлаб борилган. Улар бу ердаги ишларни кўриб, мамнун қайтишган. Хусусан, Республиканинг бош раҳбари Шароф Рашидов бригада даласида бўлганида Ҳожибува аканинг елкасига қоқиб, «Сиз каби миришкор деҳқонлар бор экан, пахтачилигимиз доимо ривожланиб бораверади» деб миннатдорчилик билдирган.

Ҳукумат унинг меҳнатларини муносиб тақдирлаб, кўксига орден ва медаллар таққан, йиғилиш ва мажлисларда тўридан жой берган, иш тажрибаси бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган. Кенжа фарзанди Аҳлимирзанинг айтишига қараганда, отаси нафақага чиққандан сўнг ҳам дала ишларига аралашиб юрган. Ўзининг панд-насиҳатлари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари билан хўжалик ишлаб чиқаришига ҳисса қўшиб келган. 1983 йили бандаликни бажо келтирган Ҳожибува отадан 4 нафар фарзанд, 24 невара, 35 чевара ва 5 нафар звара қолган.

*У ўзига қўймади ҳайкал,
Қургани йўқ улкан кошона.
Умрига ҳам бермади сайқал,
Яратмади балки афсона.
Вале, номим ўчмасин дея,
Асрасин деб мен босган изни,
Бу дунёга айлади ҳадя
Уч ўғил ва биргина қизни.*

Абдуқаюм МАМАДАЛИЕВ
(1900-1997)



XX аср бошларида ҳозирги Булоқбоши қишлоғи ҳудудидаги ерлар асосан бойлар қўлида бўлиб, улар деҳқонлар меҳнати билан ғалла, пахта, боғдорчилик маҳсулотлари етиштирар эдилар. Қишлоқнинг кунчиқар томонида Дашт деб аталган ерлар бўлиб, бу ерларда янтоқ, ажриқ каби бегона ўтлар ўсар, деҳқончилик қилиш учун сув муаммоси мавжуд эди. Шунга қарамай, одамлар тўкинроқ ҳаёт кечириш мақсадида қақроқ ерларда ҳам тер тўкиб меҳнат қилишга рози эдилар.

Абдуқаюм ёшлигиданоқ отасининг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди. Отаси бой қўлида деҳқончилик қилар, ўзи эса бойнинг қўй-қўзиларини боқарди. Оғир кунлар эди. Қорин тўйса, кийим йўқ, кияй деса, бой берган иш ҳақи қориндан ошмасди. Шу зайл кунлар ўтар, аммо ёш Абдуқаюм қачонлардир бахт қуёши чарақлашига, тўкинлик кунлари келишига ишонарди.

Отаси бетоб бўлиб қолганда, Абдуқаюмнинг ташвиши ортди. Бойга ялиниб-ёлвориб иш ҳақининг бир қисмини олди ва табиб топиб отасини қаратди. Ҳайриятки, касаллик чекинди, отаси соғайиб кетди. Бу пайтларда Русияда инқилоб бўлиб, давлат большавойлар қўлига ўтди, деган гаплар тарқалди. Большавойлар бойларнинг ерларини мусодара қилиб, камбағал деҳқонларга бўлиб берди. Ғала-ғовурли ҳаёт давом этарди. 20 таноб ердан чиққан ҳосил Абдуқаюмлар оиласини бемалол боқарди. Бироқ яна ерлар тортиб олиниб, колхозлаштириш бошланди. Озгина ер билан колхозга аъзо бўлиб кирган Абдуқаюм энди оилани ўзи бошқарар, отаси бемаҳал қазо қилган эди. У колхозда бор кучини ишга солиб меҳнат қила бошлади. Бироқ...

Бирок, тез орада Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Далада ишлаётган азамат йигитларнинг деярли ҳаммаси урушга кетди. Пахта етиштириш аёллар; кексалар ва ёш болалар зиммасига тушди.

Уруш йилларида Абдуқаюмнинг ёши қирқдан ошганди. Уни аскарликка олишмади. «Заҳирада тура тулинг, вақти келса ўзимиз чақирамиз» деди ҳарбий комиссариатдагилар. Ўзига қолса, Абдуқаюм урушга жўнар, фашист босқинчилар билан юзма-юз туриб жанг қилишга тайёр эди.

- Сизнинг ўрнингиз далада, - дейишди унга колхоз раҳбарлари. - Сиз яхши ишлаб, пахтани кўпроқ етиштиришга ҳисса қўшинг, шу сизнинг ғалабага қўшган улушингиз бўлади.

Бундай гаплар унинг кўнглини кўтарди ва 1952 йили Майарикдан (Бу пайтда Дашт ўзлаштирилиб, Карл Маркс номли хўжаликнинг ерларига қўшилган эди. Энди бу жой дашт эмас, Майарик, деб аталарди) Булоқбоши қишлоғига кўчиб келиб, Карл Маркс номли хўжаликда меҳнат қила бошлади. Абдуқаюм Мамадалиев умри давомида ер билан «тиллашди», мўл-кўл пахта, ғалла, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга катта ҳисса қўшди. У уруш йилларида одамлар кўнглини кўтариб, уларни тушкунликка тушмасликка даъват этди. Ўзи кетмонини кўлдан қўймай, фидокорона меҳнат қилди. Топшириқларни доимо ортиғи билан бажарди.

Ўрта бўй, қорачадан келган, бу инсоннинг етимларнинг бошини силаши, муҳтожларга ёрдам бериши, хушмуомалалиги, дўстларга садоқати, аёлларни ва болаларни эъзозлаши ва бошқа шу каби фазилатлари ҳамон ҳамқишлоқларининг ёдида.

Ширкат хўжалиги аъзолари 1965 йили Абдуқаюм отани пенсияга узатдилар.

Отахон эсини таниганидан буён эл-юртнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик эди. Шунинг учун маҳалладагилар уни ўзларига элликбоши қилиб сайлади-

лар. Абдуқаям ота бу соҳада ҳам ўзини кўрсатиб иш олиб борди. Юз йилга яқин умр кўриб, ҳаёт синовларига чинордек матонат билан бардош берган отахон 1997 йилда ҳаётдан кўз юмди.

Унинг ёди ҳамиша халқ хотирасида сақланиб келмоқда.

Самсоқ МАТҚОСИМОВ (1900-1973)

Булоқбоши қишлоғи тарихида ўзларининг ҳаёт тарзи, раҳбарлик салоҳияти ва меҳнатсеварлиги билан халқнинг дили ва тилида муҳрланиб қолган инсонлар анчагина. Мамадали дарё Мадиев, Ҳасанбой Алихонов, Усмон Мамадалиев, Тоштемир Раҳимов, Жўраполвон Ғойипов, Эргаш Мадаминовларни XX асрнинг 30-50-йилларидаги Булоқбоши дарғалари деб тан олиш жоиз. Албатта, улар қаторида Самсоқ Матқосимовнинг ҳам номи алоҳида тилга олинади.



Самсоқ Матқосимов 1900 йилда Булоқбоши қишлоғининг Тошкечик маҳалласида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. Унинг падарибузруквори Матқосим Муҳаммадҳолиқов анчайин уддабурон, қаттиққўл, ташкилотчи киши бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланган. Самсоқбой ўн саккиз ёшгача молбоқарлик қилиб, тоза ҳаво ва яшил табиат кўйида эркин вояга етган. Шунинг учун жуссадор, кенг елкали, бақувват йигит бўлган. 1917-1918 йилларда қишлоқ туманларида милиция отрядлари шаклланаётган пайтда Самсоқбой замона зайлига боқиб, Хўжабод район ички ишлар бўлимига милиционер бўлиб ишга киради. Вазифа осон эмас эди. Лекин айти кучга тўлган Самсоқбой ўзига билдирилган ишончни оқлади.

Жасурлиги билан ном чиқарди. У ички ишлар тизимида ўн икки йил меҳнат қилди.

Бу пайтга келиб қишлоқларда колхозлаштириш қизғин тусга киради. Самсоқбой туғилиб ўсган Тошкечик маҳалласида ҳам 1932 йилда Энгельс номли колхоз тузилади. Самсоқ Матқосимов мазкур колхозга раисликка сайланади. У бу вазифада икки йил ўзини кўрсатиб хизмат қилади. Икки йил давомида пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режалари бажарилади. Хўжалик аъзолари ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Унинг ишга масъулият билан ёндашиши, одамларни бир мақсад теварагида уюштира олиши туман раҳбарлари назаридан четда қолмайди. 1935 йили Андижонкўча маҳалласи ҳудудидаги Молотов номли колхозга раисликка ўтказилади. Бу ерда у олти йил меҳнат қилади ва ҳар йилги режалар бажарилишига эришади. 1942 йили эса Қароқчи қишлоғидаги хўжаликка раис этиб сайланади.

Самсоқ Матқосимовнинг ишбилармонлиги, одамлар қалбига йўл толиши, улардаги ғайрат-шижоатни юзага чиқара олиши унга омад келтиради, ҳурматини оширади, хўжалик меҳнаткашларининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда Иккинчи жаҳон уруши давом этмоқда эди. С. Матқосимов ҳаётий тажрибаларига таяниб ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликда уруш даври қўйган талабларга яраша иш ташкил эта олди. 1944 йили у яна бир синовга дуч келди - бир гуруҳ милиционерлар сафида Қашқар вилоятига сафарбар қилинди. Бу ердаги хизматлари қай даражада кечганлигини унга учта от мукофот қилиб берилганидан ҳам билса бўлади. Қишлоққа қайтганидан сўнг у отларнинг иккитасини колхозга совға қилди.

Самсоқ Матқосимов урушдан кейинги йилларда Булоқбоши қишлоқ Кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб, издан чиққан халқ хўжалигини тиклашга ҳисса қўшиш, одамларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш би-

лан машғул бўлди. Самсоқ ота ташкилотчилигида қишлоқда биринчи бор гидроэлектр станцияси қурилди. Унинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Бузиб юборилган мадраса ўрнида замонавий усулда янги мактаб биноси қад ростлади. Бу мактаб биноси қурилишида собиқ Карл Маркс ва Сталин номли хўжаликларнинг аъзолари иш олиб бордилар. Қишлоқ кўчалари кенгайтирилиб, тош, шағал ётқизилди. Транспорт ҳайдовчилар ва аҳоли учун қулай бўлсин деб қишлоқда керосин ва бензин сотадиган шохобча очилди. Булоқбоши деҳқон бозори кенгайтирилиб, расталар ташкил этилди.

Самсоқ ота нафақага чиққандан кейин ҳам уйда тинч ўтирмади. Хўжаобод тумани сув хўжалиги бўлимидагилар қўярда-қўймай уни миробликка жалб этдилар. Шу миробликда ишлаб юрган кезлари - 1973 йилнинг ноябрь ойида Самсоқ Матқосимов ҳаётдан кўз юмди.

У меҳрибон ота, оилапарвар инсон эди. Фарзандларига мумтоз исмларни ўзи танлаб қўйганди - Мукаррамхон, Муқаддамхон, Лолахон, Дилбархон каби. Ўн фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари отаси каби ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида кўп йиллардан буён ҳалол ва самарали меҳнат қилмоқдалар.

*Бу дунёга устун бўлмоқлик
Насиб этган эмас ҳеч кимга.
Ҳақиқатдир бир кун ўлмоқлик,
Кимга эрта ва ё кеч кимга.
Тафаккуринг чирогин ёрит,
Армон бўлиб қолмасин дамлар.
Яхшиларнинг гамини арит,
Эслаб юрсин сени одамлар
Худди Самсоқ ота сингари.*

Жалолдин ЮСУПОВ
(1909-1986)



Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Булоқбоши қишлоғида ўнлаб етук кадрлар етишиб чиққан. Ана шулардан бири Жалолдин Юсупов эди. У кўп йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, асосан қишлоқда савдо хизматини ташкил этиш ва маданиятини юксалтиришга бошқош бўлди.

Жалолдин аввал эски мактабда ўқиди, кейин янги тизимда барпо этилган мактабда таълим ола бошлади. У ёшлигидан илмга ўч, тиришқоқ бўлган жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб турган.

1929-1930 йилларда Жалолдин Андижон шаҳрида очилган «Батрақлар мактаби»да таълим олди. Яхши ўқиганлиги учун уни Ўрта Осиё давлат университети қошида очилган икки йиллик ишчилар факультетига ўқишга юборишди. Бу факультетда бўлғуси адиб Абдулла Қаҳҳор ҳам ўқирди. Улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат Жалолдинни ҳаётга синчковлик билан қарашга, ҳақиқат учун курашувчи бўлишга, ҳар қандай ишни самимият билан бажаришга ўргатди. Ўша йиллар анча алғов-далғовли бўлса-да, Жалолдин ўзини йўқотмади, ўқишни муваффақиятли тамомлади.

Ўқишдан қайтиб келгач, унга раҳбарлик лавозимларини тавсия этишди. Дастлаб 1932-1935 йилларда Хўжаобод районидаги Қоратайит тайёрлов пунктида му-

дир, кейинроқ Қоратайит қишлоқ Кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатди.

1938 йилда Хўжаобод тумани тайёрлов бўлимининг Булоқбоши участкаси ташкил этилди. Раҳбарлар бу янги участкани бошқаришга Жалолдин номзодини маъқул кўрдилар. У бу ерда 1944 йилгача ишлади. Унинг кейинги фаолияти яна савдо тизимида давом этди.

Жалолдин Юсупов Хўжаобод тумани матлубот идорасининг директори, кейинчалик эса Найман қишлоқ Кенгашининг раиси лавозимларида ҳам сидқидилдан хизмат қилди.

У Найман қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлаётган пайтда бир куни Жалолдин аканинг ҳузурига бир гуруҳ кексалар ташриф буюриб, илтимослари борлигини айтишди.

- Қани эштай-чи, қанақа илтимос экан? - деди Жалолдин.

- Найман қишлоғини ипидан игнасигача яхши билиб олдингиз, - деди кексалардан бири. - Қилаётган ишларингиздан хурсандмиз. Барака топинг. Агар сизга гап тегмайдиган бўлса, ҳашар йўли билан қабристонни тозаласак. Мол-ҳол кириб, қабрларни бузиб юборяпти. Иложи бўлса, атрофини панжара билан ўраб қўйсак...

- Маъқул гап, - деди Жалолдин ака. - Ҳаммамизнинг борар жойимиз ўша ер. Майли, ҳашар қилиб, қабристонни тозалаймиз, атрофини ўраймиз.

Эртасига қишлоқ аҳли ҳашарга чиқиб, қабристонни тартибга келтирди, атрофини ўраш бошланди. Одамларга

хайвонларни қабристонга қўйманглар, гуноҳ бўлади, деб тушунтирилди. Аммо шу ҳашардан кейинги учинчи куни қишлоқ Кенгашининг раиси Жалолдин Юсупов райком бюросида вазифасидан озод этилди. Бошқаларнинг одамлар орасида обрўси ортаётганини кўролмайдиган ичиқора кимсалар Ж. Юсупов бошчилигида қилинган хайрли ишнинг моҳиятини бузиб таърифлаган эдилар.

Жалолдин ака кейинги йилларда яна савдо ишига қайтди. Оддий одам бўлиб ҳам халқ хизматини қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини амалда кўрсатди: дўкон мудури бўлиб ишлаб, эл олқишига сазовор бўлди.

Жалолдин Юсупов бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган, кўп марта туман ва вилоят Кенгашларига депутат этиб сайланган эди. Оилада 6 фарзанд ўстириб камолга етказди. Ўғли Эркинжон ота ишини давом эттириб, Хўжаобод ва Булоқбоши туманларида савдо соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Янги савдо шоҳобчалари куриш, қишлоқларда ҳам озиқ-овқат ва истеъмол буюмлари дўконларини ишга тушириш, аҳолининг зарурий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишларга бош-қош бўлди.

Қишлоқ меҳнаткашлари Жалолдин Юсуповнинг номи-ни ҳамон эҳтиром билан тилга оладилар. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини қониқиш билан эслайдилар, хизматларини тилдан туширмайдилар.

Тўпахон БАРОТОВА (1909-1992)



Булоқбошилиқ оташқалб аёллардан бири Тўпахон Баротова эди. У машхур Баротполвоннинг қизи бўлиб, ўрта ҳол оилада вояга етди. Онаси Нозибуви ўз исмига монанд моҳир чевар бўлган. Рўзгорни саранжом-саришта тутишни Тўпахонга болалиқдан сингдирган.

Тўпахон дастлабки коллектив хўжалиқлар ташкил қилинган кезларда меҳнатда ўзини кўрсата бошлади. Далага чиқиб, пахта терар экан, кўпмингкилограммчилар ҳаракатининг сардорларидан бўлди. Меҳнатсеварлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, даладаги ишларни бажариш аёллар зиммасига тушгач, эркакларга хос мардона меҳнат қилганлардан бири мана шу Тўпахон Баротова бўлади. Собиқ Молотов номли хўжалиқ партия кўмитасининг етакчилиги Тўпахон опага юклатилади. Бу меҳнаткаш, жонсарақ аёл эл дарди билан яшади. Бевабечоралар ҳолидан хабар олиш, гўдаклар соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш, эридан «қора хат» келган мотамсаро аёллар дардига шерик бўлиш, унинг уруш йилларидаги кўплаб юмушларининг бир қисми эди, холос...

Тўпахон Баротова ҳақида меҳнат фахрийси Келдибой Йўлдошев (мархум) шундай ҳикоя қилган эди: - Тўпахон опанинг яхшилигини кўп кўрган аёллар ундан бир умр миннатдор бўлиб ўтдилар. У асосан етим-есирлар, ночор оилалар, бева аёллар ва кексаларнинг бошини силаган эди. Ўзининг ширин сўзи, илиқ муомаласи билан шикаста қалбларга йўл топганди. Опа хўжалиқни иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшганди...

Урушдан кейинги йилларда хўжалиқларни оёққа турғазлаш осон кечмаган. Жумладан, Булоқбошида ҳам кўп қийинчиликларга дуч келинган. Бунинг асосий сабаби, ав-

вало, уруш натижасида кўп эр-йигитларнинг йўқотилиши бўлса, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишларининг қўлда бажарилиши эди. Шўролар ҳукуматининг ҳали-бери илғор техника ва технологияларни жорий этишга қурби етмасди. Яна аёллар зарбдор меҳнатига суянилди. Пахта далаларида меҳнатчиларнинг тўқсон фоизини хотин-қизлар ташкил этарди.

1947 йилда ҳукуматнинг янги ерларни ўзлаштириш ҳақидаги қарори чиқди. Мирзачўлга «хужум» бошланди. Тўпахон Баротова яна ташаббускорлик кўрсатди. Оиласи билан чўлга отланди. Ўнлаб ҳамқишлоқлари унинг даъватига қўшилди. 1947-1949 йиллар орасида Булоқбошидан юзлаб оилалар Мирзачўлга бориб, чўлни ўзлаштиришга муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Тўпахон Баротова ўша пайтдаги Мирзачўл райони, «Янги овул» жамоа хўжалигида партия кўмитаси котибаси, кейин эса Мичурин номли қишлоқ Кенгашининг раиси вазифаларида ишлади.

Орадан беш йил ўтгач, яна Булоқбошига қайтиб келиб, Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли хўжалиқда пиллачилик ва пахтачилик бригадаларига етакчилик қилди. Кўп йиллик самарали меҳнатлари эвазига бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди.

Опа нафақага чиққандан кейин ҳам фаолиятини давом эттирди. Хўжалик болалар боғчасининг мудираси сифатида далада ишлаётган аёллар фарзандларининг эмин-эркин ва соғлом ўсиши учун яхши шароит яратишга ҳаракат қилди.

Тўпахон опа 1992 йили вафот этди. Аммо унинг жанговар йиллардаги меҳнати, жасорати ҳамқишлоқлари қалбида муҳрланиб қолган.

Абдуваҳоб ЁҚУБОВ
(1913-1981)



Абдуваҳоб Ёқубов 1913 йилда Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Унинг онаси Чевар ая номи билан машҳур бўлиб, тақдир тақозоси билан Булоқбошига турмушга узатилган. Чевар аяни булоқбошиликлар ҳозир ҳам тўй-тўйчиқ ва йиғинларда кўли гул аёл эди, деб мақтаб юришади.

Булоқбоши қишлоғи Абдуваҳоб учун азиз бўлиб қолди. Қишлоқда колхозлаштириш ҳаракати бошланган пайтларда Абдуваҳоб оқ-қорани ажрата оладиган, чарчок билмай меҳнат қиладиган йигит эди. Бир гуруҳ тенгдошлари билан у ҳам колхозга аъзо бўлиб киради. 1928 йилда ташкил этилган собиқ Карл Маркс номли жамоа хўжалигига ўша пайтларда Эрназар Ғозиев раислик қиларди. Раис ҳар куни аъзоларнинг иши ва меҳнат шариоити билан яқиндан танишар, ҳалол ишлаганларни мукофотга тақдим қиларди. Раис ёш Абдуваҳобдаги уддабуронликни, ҳар бир ишни пухта бажаришини дарҳол пайқади.

- Меҳнаткаш йигит экансан, балли! Бу ҳисоб-китобдан ҳам хабаринг борми? - деб сўраб қолади раис бир куни ундан.

- Хабарим бор, - дейди Абдуваҳоб сал уялинқираб.

- Э, жуда ҳисобдон, - дейишади тенгдошлари. - Отаси савдогар бўлган экан...

- Бригадага ҳисобчиликка олсак, бизни уялтириб кўймайсанми? - сўрайди раис.

Унинг ўрнига тенгдошлари жавоб беришади:

- Жуда яхши бўларди, раис тоға.



Шундай қилиб, Абдуваҳоб ўзи ишлаётган бригадага ҳисобчиликка тайинланади. Шу пайтдан унинг ҳаётида туб бурилиш бошланади. Абдуваҳоб ҳисоб-китобни пухта қилиш учун туну кун кунт билан ишлайди. Эрта тонгда колхозчиларга қиладиган ишларини бўлиб бериб, тушликдан сўнг сифатини текшириб олади. Ҳар куни уч соат вақт ажратиб, аъзоларига иш ҳақи ёзади. Оқшомлари эса жамоа идорасига бориб, маълумот топширади. Шу тариқа у ҳаёт пиллапояларидан аста-секин кўтарила борди.

А. Ёқубов кўп ўтмай ҳисобчиликдан бригадирликка ўтказилди. У бу вазифада ҳам ҳалол меҳнат қилди. Пахта етиштиришни кўпайтириш, аъзоларининг даромадлари яхши бўлишини таъминлаш учун изланиб ишлади. Одамлар қалбига йўл топиб, уларни самарали меҳнат қилишга ундади. Унинг бригадаси бир неча йил давомида пахта тайёрлаш режаларини барвақт бажаришга эришди. Жамоа ва туман раҳбарларида бу ёш кадрни бошқа соҳаларда ҳам синаб кўриш истаги туғилди. Энди у ўз билимини ошириши зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Урушдан кейинги тикланиш йилларида Абдуваҳоб олийгоҳни сирдан тугатди. 1948-1950 йилларда Абдуваҳоб Ёқубов ҳосилот, хўжалик партия ташкилотининг котиби вазифаларида ишлади. 1953 йилда собиқ Карл Маркс номли жамоа хўжалигига раис этиб сайланди.

Абдуваҳоб Ёқубов табиатан оғир-босиқ, одамларга меҳрибон инсон эди. Шу боис раислик вазифасини бажариши осон кечмади. Раҳбар деган сал қаттиққўл бўлиши керак, деб уқтиришарди унга. Бироқ Абдуваҳоб ака ҳар бир киши билан самимий муносабатда бўлар, шодлигига шерик, қайғусига ҳамдардлик қиларди. Қолаверса, жамоага ўн йил раислик қилган (1942-1952 йиллар) Тоштемир ота Раҳимовнинг хўжаликка раҳбарлик маҳоратини давом

эттириши зарур эди. Абдуваҳоб ака бунинг уддасидан чиқди. Фаоллар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борди. Ҳар бир масалани ҳал қилишда ҳайъат аъзолари билан бамаслаҳат иш қилди. Хўжалиқда ҳисоб-китоб ишлари пухта йўлга қўйилди. Далада ишлаётганларга қулай шароитлар яратиб берилди. Болалар боғчаси қурилди. Далабоғчалар ташкил этилиб, марказлашган овқатланиш усулига ўтилди. Жамоада боғдорчиликка, чорвачиликка, пиллачиликка ҳам эътибор кучайтирилиб, бу соҳалардаги режалар ҳам ортиғи билан уддаланадиган бўлди.

Абдуваҳоб Ёқубов ўзининг меҳнат фаолияти давомида одамлар қалбида ёрқин из қолдирди. Халқ уни эъзозлаб «Ёқубий» деб атарди. Бу сўзни эшитган ҳар бир киши кўз ўнгида қорачадан келган, кўзлари кулиб турувчи, ўрта бўй, сермулоҳаза инсон келар эди. Ҳозир ҳам Абдуваҳоб ака шундай ҳолатда уни билган ва таниган кишилар нигоҳида намоён бўлиб туради. Кўпчилик у ҳақда:

- Ҳалол инсон эди, меҳнаткашнинг қадрига етарди, - дейишади.

- Бирор иш билан ҳузурига кирган одамни дардига қулоқ сопар, муаммосини ҳал қилар, кўнглини шод қилиб чиқарарди, - деб фикр билдиришади. Демак, унинг хотираси абадий, қадри сарбаланддир.

Абдуваҳоб ота Ёқубов умрининг сўнги йилларида Булоқбоши қишлоқ Кенгашининг раиси бўлиб ишлади ва 1981 йили 68 ёшида вафот этди. Ундан қолган фарзандлар оталари каби эл-юрт ишига ҳамиша камарбаста бўлмоқдалар.

Тошлонбой ХУСАНОВ (1919 - 1993)



Кексаларнинг таъбирича, инсон боши сойнинг тошидир. Унинг устидан не-не тўлқинлар шиддат солиб ўтади. Ҳаёт деганлари бир меъёрда кечадиган жараён эмас. Ҳаёт гоҳ аччиқ аламларини, гоҳ шодлик онларини бахш этиб туради. Иродаси кучли одамлар ҳеч қачон ўзини йўқотмайдилар, аксинча, ҳаёт зиддиятларига қарама-қарши кураш олиб бориб, матонат ва мардлик намуналарини кўрсатадилар.

Тошлонбой Хусановни ана шундай иродали, турмуш зарбаларига мардона дош бериб, умргузаронлик қилган инсонлардан бири, деб аташ мумкин. У 1919 йили Булоқбоши қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Отаси шולי етиштиришнинг устаси эди.

Тошлонбой оилада тўнғич ўғил бўлганлиги учун рўзғордаги айрим ишлар унинг зиммасига юкланарди. Ёшлиқдан меҳнатсевар бўлиб ўсган Тошлонбой колхозлаштириш йиллари отаси билан бирга ўша вақтдаги «Большевик» (ҳозирги Т. Раҳимов номи ширкат хўжалигининг бир бўлаги) колхозига аъзо бўлиб кирди. Унинг ўсмирлик йиллари оғир меҳнат билан кечди. Йигит бўлиб, энди оқ-қорани таний бошлаганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. У ҳам кўпчилик қатори фронтга жўнади, 1941 йилда Украинадаги Кольчино қишлоғини озод қилишда у қаттиқ яраланди. Харьков ҳарбий госпиталида даволаниб чиққач, яна жангга кирди. Жангларда кўрсатган жасоратлари эътиборга олиниб, разведка бўлинмаси командири этиб тайинланди.

Карпат тоғи этакларига жойлашган фашистлар қароргоҳининг аниқ манзилени топиш Тошлонбой бошлиқ разведкачилар гуруҳига топширилди. У 8 нафар қуролдош дўсти билан ярим тунда йўлга тушди. Қоронғи ўрмон ичи

қалин қор билан қопланган. Ҳаво ҳарорати 30-35 даража совуқ. Бироқ бу совуқ бўлинма аскарларига таъсир қилмас, улар тизза бўйи қор кечиб олға интилар эдилар. Узоқда қора нуқталар кўринди. Улар икки фашист аскари бўлиб, совуққа чидамаганидан у ёқ, бу ёққа тинмай юриб туришар, афтидан муҳим бир объектни кўриқлаётганга ўхшарди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Тошлонбой қуролдошлари билан уларни бир соат мобайнида кузатди. Фашистлар совуққа чидамади шекилли, иккови ҳам бир энгашиб кўздан ғойиб бўлди. «Оббо, - ўйлади Тошлонбой, - улар қаёққа йўқолди? Ё пистирмага ўтди, ё шу ерда уларнинг қароргоҳи бор».

Гуруҳ аниқ маълумотлар билан қайтиб келгач, эртаси кун и ўша белгиланган жойга тунда ҳужум уюштирилди ва фашистларнинг ўттизга яқин аскари йўқ қилинди. Бир офицер қўлга олинди. «Тил» тилга киргач, ўрмон бўйлаб қай йўсин ҳаракат қилиш мумкинлиги маълум бўлди. Бундай жанговар топшириқни бажариш ва фашистлар галасини тор-мор этишдаги мардлиги учун Тошлонбой Ҳусанов «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Тошлонбой Ҳусанов Чехословакия, Белоруссия, Венгрия ерларини фашист газандаларидан озод этишда фаол қатнашди. У афсонавий ҳарбий саркарда Жуков билан юзма-юз учрашиш шарафига муяссар бўлди. Галаба кунини кўкси тўла орден ва медаллар билан кутиб олди.

Т. Ҳусанов 1947 йили она қишлоғига қайтиб келди. Ҳамюртлари уни зўр шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Энди у ўз билимини оширишни ўйларди. Кечки мактабга кириб ўқиди ва ўзи севган ҳайдовчилик касбини кунт билан эгаллади. 1959 йилгача «Андижон ПМК»да ҳайдовчи бўлиб ишлади. 1960 йили Андижондаги савдо техникумига ўқишга кирди, ўқишни битиргач, қарийб йигирма йил мобайнида савдо ходими бўлиб хизмат қилди. Бу соҳада ҳам у бошқаларга намуна кўрсатди ва «Хизмат кўрсатган савдо ходими» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Кейинроқ у яна ҳайдовчилик касбига қайтди. Ўн йилга яқин Хўжабоддаги 95-автокорхонада самарали меҳнат қилди.

У қаерда ишламасин, ўзининг софдиллиги, меҳнатсеварлиги, одамларга меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. Ўзига бировнинг иши тушса, унинг кўнглини олишга астойдил ҳаракат қиларди. Оилада меҳрибон ота эди. У рафиқаси билан 6 қиз, 4 ўғилни камолга етказди. Ҳозир унинг фарзандлари эл-юрт равнақи йўлида ҳалол хизмат қилмоқдалар.

Абдумуталиб СОТВОЛДИЕВ (1921-1971)



Узоқ йиллар пахтачилик бригадасига бошчилик қилган Абдумуталиб Сотволдиевни собиқ Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли жамоа хўжалиги тарихида алоҳида ўрни бор. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида даладаги ишларни ташкил этиш, йиллик режаларни ортиги билан бажариш, жамоа мулкани кўз қорачиғидек сақлашда у ҳаммага ибрат кўрсатар эди. «Ишнинг кўзини биладиган одам» деган ибора ўша пайтларда Абдумуталиб акага ўхшаганларга нисбат қилиб айтиларди.

А. Сотволдиев 1921 йилда Булоқбоши қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумот олгач, колхозга кириб ишлай бошлади. У кетмон чопиғида, гўзаларни суғоришда, пахта теримида илғорлардан бири саналарди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда у йигирма ёшга тўлганди. Далада ишлаётган эркакларнинг кўпчилиги фронтга кетди. Абдумуталибга ҳам навбат келди. 1943-

1944 йилларда у Украинани фашистлардан озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашди. Жанглардан бирида чап қўлидан яраланди.

Абдумуталиб ногирон бўлиб она қишлоғига қайтиб келди. Аммо у бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Пахта далаларига чиқди. Ўша пайтларда Лутфихон опа Мадиев-рова хотин-қизлар бригадасига раҳбарлик қиларди. Опа учун ҳисоб-китобни эплай оладиган одам керак эди. Абдумуталиб шу бригадада ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади.

Йиллар ўтган сайин унинг тажрибаси ортиб борди. У энди ҳосилотлик вазифасига ўтди. Дала кезар экан, қайси майдондаги экинлар ҳолати қониқарли, қайси пайкалдаги гўзалар чанқаган, қайси майдонларни озиклантириш зарур, - буларни Абдумуталиб ака беш қўлдек билар эди. Абдумуталиб аканинг келишини барча бригадаларда орзиқиб кутишар, чунки у келса, экинлар парваришини баҳолар, камчиликларни бирма-бир кўрсатиб берарди.

Ўтган асрнинг 40-йиллари охирида колхоз раҳбарлари тиниб-тинчимас, меҳнатсевар Абдумуталиб акани йилқичиликни ривожлантиришга жалб этишни маъқул кўрдилар. Ҳозир 50-60 ёшларда бўлган кишиларнинг эсида бўлса керак, эндиликда қурилиш материаллари сотилаётган бозор майдонида колхознинг катта саройи бўлиб, бу саройда юзлаб йилқилар боқиларди. Колхознинг асосий транспорти ҳам отлар эди. Абдумуталиб ака бу соҳани жадал ривожлантиришга эришди. Қандай қилиб дерсиз? Албатта, ўзининг талабчанлиги, тўғрисиўзлиги, қўшимча имкониятларни ишга солиши, вақти келганда таллашиб-тортишиши туфайли.

Абдумуталиб аканинг ўзига хос фазилати шу эдики, у жуда кечиримли инсон бўлган. Ёлғон гапиришни ёмон кўрган. Алдамчиларнинг бошлаб адабини берган.

Йилқичиликни ривожлантириш учун бошқарув ҳайъати олдига аниқ талаблар қўйган. Беда экилиши керак бўлган майдонлар юз фоиз бедазор бўлишига эришган. Мажлис-ларда сўзга чиқиб ёки йўл-йўлакай ушлаб олиб, жамоа мулкини талон-торож қилувчиларни роса уялтирган.

От қўшиладиган аравалар авайлаб сақланган. Арава-кашларнинг иш ҳақлари кўпайтирилган. Намуна кўрсатиб меҳнат қилганлар муносиб рағбатлантирилган. Отларга эҳтиёж катталиги учун уларни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Тонна-тонна пахталар от араваларда пахта пунктига вақтида етказиб турилганини ҳисобга ол-сак, Абдумуталиб аканинг ўша даврда олиб борган ишла-ри қай даражада аҳамиятли бўлганлиги аён бўлади.

А. Сотволдиев 1954 йили яна пахтачилик соҳасига қайтди. Қолоқ деб ҳисобланган 9-бригадага бошчилик қила бошлади. Бу бригада ерлари қоратупроқли бўлиб, заҳкаш ва кам қувватли эди. Абдумуталиб ака ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарурлигини раҳбариятга ҳавола этиб, пахта майдонларини кенгайтиришга, ернинг захини қочириб ва кўплаб маҳаллий ўғит жамғариб, ту-проқнинг унумдорлигини оширишга эришди.

Бундай тажрибали деҳқонларнинг иши кўпчиликнинг назарига тушади. 9-бригададаги аҳвол анча ўнгангач, энди уни 3-бригадага юборишди. Бу бригадани етти йил давомида бошқариб, йиллик пахта тайёрлаш режалари-нинг бажарилишини таъминлади.

Аммо унинг урушда олган жароҳати йил сайин зўрайиб борарди. Ҳақгўй ва фидойи инсон А. Сотволдиев 1971 йилда вафот этди.

Тоџиаҳмад РЕЖАПОВ
(1921-1986)



Тоџиаҳмад Режапов 1921 йилда Булоқбоши қишлоғида туғилган эди. Отаси Режаббой Тошалиев деҳқончилик билан шуғулланган. Онаси Етархон ая моҳир чевар бўлган. Тоџиаҳмад болалик чоғлариданоқ тиришқоқ, меҳнатсевар эди. Ёш бўлишига қарамай, доим отаси билан бирга, унинг деҳқончилик ишларига қарашарди.

Режаббой ота ҳам баъзан ғурурланиб: «Тоџиаҳмад ўзимга ўхшаб ерпарвар бўладиганга ўхшайди. Деҳқончилик қилишни яхши кўради. Ҳа, ерга меҳр қўйган одам кам бўлмайди»... дер экан.

Тоџиаҳмад ўша давр талабига кўра колхозга аъзо бўлиб кирди. Унинг меҳнат биографияси анча оддий бошланди. Дастлаб дала қоровули бўлди. Кейин аравакашлик қилди. Сувчи бўлиб ишлади. Дала ишларида кўзи пишиб қолгач, звено бошлиғи қилиб тайинлашди. Ишончни оқлагани учун тез орада бригадага бошлиқ бўлди.

У бошлиқ бригадада режалар ортиғи билан бажарилар, аъзоларнинг меҳнат ҳақлари вақтида берилар, хонадонларда бугдой, арпа, маккажўхори каби дон маҳсулотлари турар, айрим далада ишлаётганлар сигир боқиб, сут, қаймоқ сотишга ҳам ўрганиб қолгандилар.

1959 йилда туман раҳбарлари Тоџиаҳмаднинг ташкилотчилигини, партия ташкилотининг котиби вазифасида ишлаб, катта ҳаётий тажриба орттирганлигини, одамлар орасидаги обрў-эътибори баланд эканлигини инobatга олиб, уни ўзи ишлаётган Карл Маркс номли хўжалик раслигига тавсия этдилар. Т. Режапов хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида бир овоздан раис этиб сайланди. У мазкур лавозимда қарийб 20 йил самарали фаолият кўрсатди. Шу йиллар мобайнида хўжалиқда пахта ва

бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб борди. Пиллачилик ва чорвачилик тез ривожланди. Булар ўз навбатида дала меҳнатчиларининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини берди. Колхоз ҳудудида мактаб, болалар боғчалари, дала шийпонлари қурилди, йўл ва кўчалар равланштирилди. Хонадонларга тоза ичимлик суви ва газ тармоқлари уланди. Боғ ва узумзорлар кенгайтирилди. Шу билан бирга раис ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзининг иқтисодий билимларини ҳам ошириб борди.

Нур бор жойда соя ҳам бўларкан. Баъзан раис устидан юқори ташкилотларга думалоқ хатлар ҳам ёзилди. Аммо далиллар тасдиқланмай, шикоятчиларнинг ўзлари шарманда бўлдилар.

Тожиаҳмад ака 1979 йилда раислик лавозимидан воз кечиб ариза ёзди. Бироқ яхши одамнинг ўрни ҳамisha йўқланиб туради. Булоқбошилиқлар уни қишлоқ Кенгашининг раислигига ўтказишни талаб қилдилар.

Тожиаҳмад ака Кенгаш раиси сифатида қишлоқни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига бошқош бўлди. Оилаларнинг тинч, фаровон яшаши тўғрисида ғамхўрлик қилди. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, қадр-қиммат ришталарини мустаҳкамлашга эришди. Шунинг учун унинг номи ҳамон эъзозда. Кексалар билан суҳбатлашиб қолсангиз Тожиаҳмад Режаповнинг яхши ҳислатлари ҳақида самимият билан гапирадилар.

Тожиаҳмад ака меҳрибон ота эди. У Ўғилхон аябилан икки қиз, тўрт ўғилнинг ҳаммасини олий маълумотли қилди. Улар ҳозирги пайтда туман ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Камтар ва олижаноб инсон Тожиаҳмад Режапов 1986 йил 13 мартда вафот этди.

Қораш Аҳмедов
(1924-2000)



Булоқбоши туманидагина эмас, балки бутун вилоятимизда кўпчиликка танилган устоз-педагоглардан бири Қораш Аҳмедовдир. Туманимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқ таълимини ривожлантиришда, маҳаллаларни ободонлаштиришда, ҳамюртлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончни шакллантиришда Қораш Аҳмедовнинг хизматлари каттадир.

Қораш Аҳмедов 1924 йил 5 октябрда Булоқбоши қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ёшлик чоғлариданоқ ўқишга қизиқди. Ўрта мактабни тамомлагач, 1942 йили ҳарбий хизматга чақирилди.

Қораш Аҳмедов дастлаб Тошкентдаги Дарвоза станциясида жойлашган ҳарбий бўлинмада бошқалар қатори жанговар тайёргарликдан ўтди. Бу ерда бир йилга яқин машғулотларда фаол қатнашгач, фронт ичкарасига жўнатилди. 1944 йилнинг май ойига қадар Куйбишев (ҳозирги Самара) шаҳридаги командирлар тайёрлаш мактабининг курсанти бўлди. Кейин тўрт йил мобайнида шу ерда бўлинма командири, рота старшинаси вазифаларида ишлади. Бу йиллар унинг ҳаётида муҳим из қолдирди.

Урушдан кейинги йилларда унинг меҳнатсеварлик ва ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлди. 1948 йили ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, ўша пайтдаги Сталин (ҳозирги Жўраполвон) номли жамоа хўжалигида ёрдамчи ҳисобчи, орадан кўп ўтмай туман статистика бўлимида йўриқчи вазифаларида ишлади. Сўнгра Хўжаобод, 1953-1955 йилларда эса Булоқбоши туман партия кўмиталарида бўлим мудир, маълум муддат мафкура масалалари бўйича котиб вазифаларида фаолият кўрсатди. Кейин ўн саккиз йил мобайнида халқ таълими

соҳасида раҳбарлик лавозимларида иш олиб борди. Наймандаги ўрта мактаб директорлигидан бошланган фаолиятини Булоқбоши қишлоғи марказидаги ўрта мактабда давом эттирди.

Ўз билимини оширишга ҳаракат қилган Қораш Аҳмедов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Фарғона Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Фарғона университетининг) тарих факультетини 1961 йилда битирди. Етарли иш тажрибаси ва малакага эга бўлган Қ. Аҳмедов ёшларга пухта билим бериш, уларни она-Ватаннинг содиқ фарзандлари этиб тарбиялаш учун бор куч ва билимини сарфлаб хизмат қилди. У директор бўлган 1-ўрта мактабдаги таълим-тарбия ишлари савия жиҳатдан намунали деб топилиб, вилоят педагогларига ибрат қилиб кўрсатилди.

Тўғриси, адолатпарвар Қораш Аҳмедов қисқа фурсатда мактабда кучли педагогик жамоани шакллантира олди. Унинг ўқувчилари Авазбек Носиров ва Козим Жалоловлар физика ва химия фанидан Иттифоқ олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар. А. Носиров устози ишончини оқлай бориб, физика-математика фанлари доктори илмий даражасига муяссар бўлди. Ҳозирги пайтда у халқаро миқёсда етук олим сифатида эътироф этилган.

Қораш Аҳмедов таълим соҳасида раҳбарнинг роли ва масъулиятига алоҳида аҳамият берарди. Шу боис ўқитувчилардан ўз устида ишлашни, ўз фанини пухта билишни ва ўқувчиларга чуқур билим беришни талаб қилар, ўзи эса бу борада ибрат кўрсатар эди. Ҳозирда унинг ўнлаб шогирдлари халқ таълими соҳасида самарали иш олиб бормоқдалар.

Устоз-педагог Қ. Аҳмедов 2000 йили вафот этди.

Муҳаммадали МАДИЁРОВ
(1925-1978)



Булоқбоши қишлоғида тиббиёт тизимини ривожлантиришга Муҳаммадали Мадиев катта ҳисса қўшган. У қишлоқдаги биринчи олий маълумотли врач бўлиб, ички касалликларни аниқлаш ва даволаш борасида жуда катта тажриба тўплаган эди.

Муҳаммадали Мадиевнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, унинг болалик йиллари оғир меҳнат ва билимга интилиш билан ўтганига гувоҳ бўламиз. Муҳаммадали камбағал деҳқон оиласида туғилиб ўсди. 1941 йилда Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли хўжалиқда бригада ҳисобчиси бўлиб ишлай бошлади. Ўнинчи синфни битириб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди ва уни 1956 йилда аъло баҳоларга тамомлади. Узоқ муддат давом этган ўқиш йилларида Муҳаммадали пухта билим олиш пайидан бўлди. Кўникма ҳосил қилиш учун жамоат ишларида фаол қатнашар, тиббиётга оид қўшимча адабиётларни топиб ўқир, кўп вақтини мутолаага ажратар эди. У Булоқбошига қайтгач, ўзининг бутун билимини ишга солишга ҳаракат қилди.

Ўша пайтларда Булоқбошида тиббий хизмат кўрсатиш даражаси паст бўлиб, соҳанинг моддий-техника базаси йўқ ҳисобида, кадрлар ҳам бармоқ билан санарли эди. У соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари сифатида туманда қисқа фурсатда бир қатор ишларни амалга оширди. Аввало, ўнинчи синфни битираётган ёшлар ўртасида тиббиёт олийгоҳларида ўқиш бўйича тарғибот ишларини олиб борди. Мажлис ва катта йиғинларда моддий базани мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазалари билан чиқди. Ёшларни тиббиёт ўқув юр்தларига юборишга бош-қош бўлди.

Йиллар ўтди. Ҳаш-паш дегунча бир гуруҳ ёш кадрлар ўқишни битириб келиб, Муҳаммадали ака билан ёнма-ён ишлай бошладилар. Улар орасида Лутфулло Неъматиллаев, Даминжон Муҳаммадалиев, Абдуваҳоб Матисмоилов, Сатимжон Отажонов, Анваржон Бобоев, Каримжон Ўрмонов, Сойибжон Янгибоевлар бор эди. Бу кишилар соғлиқни сақлаш соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

- Биз Муҳаммадали акадан кўп нарса ўрганганмиз, - дейди соғлиқни сақлаш фахрийси, врач-психолог Лутфулло Неъматиллаев. - У киши ўз устида тинмай ишларди, ёшларга ҳам ғамхўр, ҳам талабчан эди. Бизни олийгоҳда олган билимлар билан чегараланиб қолмасликка даъват этарди. Ҳали бу соҳада оламшумул ўзгаришлар бўлиши, касалликни даволашнинг оддий, лекин самарали усуллари топилишини таъкидларди. Бугун унинг қирқ-эллик йил аввал айтган гапларини эслаб, устозимизнинг ҳақиқатан ҳам узоқни кўра олганига тан бермоқдамиз.

Ҳикоя қилишларича, Муҳаммадали аканинг уйида тўрт-бешта шкаф бўлиб, уларга тиббиётга оид китоблар жойланган эди: Агар у беморларга дори олиш учун рецепт ёзиб берса, дорихона ходимлари «Ҳали бу дори келмаган, врач қаердан билдийкин», деб ҳайрон бўлишаркан. Муҳаммадали ака буюртмаси асосида Москва, Ленинград шаҳарларидан тиббиётга оид китоб ва қўлланмаларни олиб турарди, даволаш ишларидаги янгиликларни амалда қўллашга ҳаракат қиларди.

- Муҳаммадали акангиз таъмадан йироқ эдилар, - деб эслаганди унинг умр йўлдоши Ўринчахон ая (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин). - У киши даволаган одамлар миннатдорчилик сифатида бирор совға-салом келтирсалар, сира олмасди. Йўқ пайтларида мен олиб қўйсам, қаттиқ койирдилар. Бир куни тушлик пайтида акангиз даволаган беморлардан бири икки яшик шафтоли олиб келди. Ая қишга шарбат тайёрлаб олсинлар, яхши бўлади, деди. Акангиз олмади. Аксинча, ҳалиги кишини мулзам

қилди. «Бу шафтолилар ўзингизга жуда зарур. Унинг таркибидаги моддалар касалингизга даво бўлади», деб эринмай узоқ тушунтирди. Бир чевар аёл дўппи тикиб келиб, кийиб юринг, совға, деса ҳам олмаган.

Шундай олижаноб инсон ўзгаларни даволаб, ўзининг соғлиғини ўйламаган экан. Хасталик уни 1978 йил 24 сентябрь кuni тўсатдан ҳаётдан олиб кетди. Бироқ эзгу ишлари ҳамқишлоқлари, шогирдлари қалбида ҳамиша яшайди. Яхшилик билан ўтган умрга чегара бўлмайди. Булоқбоши поликлиникаси М. Мадиёров номига қўйилган. Кираверишда унинг катта портрети бор. Гўё у тиббиёт ходимларини халққа сидқидилдан хизмат қилишга чорлаб тургандек.

Кўчқор ҳожи ЙЎЛЧИЕВ (1921-2003)



Доимо юзларидан самимият ёғилиб турувчи бу инсонни Булоқбошида деярли барча танир ва ҳурмат қилар эди. Чақар маҳалласида яшовчилар эса Кўчқор ҳожи Йўлчиев қилган хайрли ишларни, маҳаллада амалга оширган тадбирларини ҳамон эслаб юришади.

Кўчқор ҳожи Йўлчиев хушчақчақ, гапга чечан, кўнгли пок ва қўли очиқ одам эди. Ўзи ўқимаган бўлса ҳам, тасаввур доираси кенг, зеҳни ўткир бўлиб, муаммоларни тўғри ҳал қилишда чуқур мушоҳада ва-мулоҳаза билан иш кўрарди.

Унинг бутун умри меҳнат билан ўтди. Уста деҳқон сифатида К. Маркс номли хўжалиқда ном қозонди. Фақат Чақар маҳалласидагина эмас, балки бутун Қўрғонча,

Тўғрисув, Япалоқбоши қишлоқларининг фаоли сифатида катта ҳурматга сазовор бўлди. 1982 йили пенсияга чиқди.

Жамоат ишларидаги фаоллиги учун у маҳалла элликбошиси этиб тайинланди. Бу вазифада ўн йил фаолият кўрсатди. Шу ўн йил ичида маҳалладаги тўй ва бошқа маросимларнинг, ҳар хил маърака ва йиғинларнинг бошида бўлди. Тўғри сўзи ва насихатлари билан маросимлардаги ортиқча чиқим ва удумларга барҳам берди. Кўпгина оилалардаги келишмовчиликларнинг олдини олди, уларни ажралишдан сақлаб қолди.

Бир аёл у ҳақда шундай ҳикоя қилади:

- Қандайдир сабаб билан эрим билан аразлашиб қолдик. Ёшлик экан, ўғлимни олиб, бу оиладан кетмоқчи бўлдим.

- Кетавер, - деди эрим зарда билан. - Тўрт томонинг қибла. Хотин зотининг уруғи сероб...

- Шунақами? - дедим куйиниб. - Хўп, кетаман, холингиз не кечаркин?...

Ўғлим чириллаб дод дерди. Отаси эса парвойига ҳам келтирмасди. Кўчага чиқдим. Кўзларимда жиққа ёш билан ота уйим томон кетаётсам, йўлда тасодифан маҳалла оқсоқоли Қўчқор ота дуч келиб қолди.

- Ҳа, келин, нима бўлди? - деди ота аҳволимни кўриб.

- Отамникига кетяпман, - дедим йиғламсираб. - Жанжаллашиб қолдик.

- Э, йўқ, оила шаънига иснод бўлади. Сиз томонга ҳам, бу томонга ҳам яхши эмас. Биз бунга йўл қўймаймиз. Булар сиздақа келинни икки дунёда тополмайди. Ҳа. Қани, юринг, қайтамиз.

Мен иймандим, хўрлигим қелди.

- Юринг, - деди ота қатъий. - Тортинманг. Мен гаплашаман ўша эрингизу қайнона-қайнотангиз билан.

Бу воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ўшанда Қўчқор ота оиламиздагиларга қаттиқ гапирмади, юмшоқ сўзлар билан эримга тушунтирди. Қайнона-қайнотамни «Сизларга нима бўлди? Бу иккаласи ёшлик қилибди. Сизлар-чи?..» деб уларни уялтирди. Энди оиламизда жанжал йўқ. Ҳеч бир тортишув бўлмади қолди. Мана, яхши яшаяпмиз. Энди ўша пайтларни эслаб, ўзимиз уяламиз.

Қўчқор отанинг бағри кенг эди. Қўлида бор нарсани бировдан аямасди. Эски қабристоннинг атрофи очик бўлгани учун ҳайвонлар кириб ўтлаб юриб, қабрларни бузарди. Қўчқор ота ўз ёнидан маблағ сарфлаб, қабристон атрофини панжара билан ўратди. Маҳаллага тоза ичимлик сув келтириш учун елиб-югурди, раҳбарларга гоҳ яхши гапириб, гоҳ талашиб-тортишиб, жуда кўп муаммоларни ҳал қилди. Чақар қишлоғидаги янги мактаб биноси қурилишини тезлатишга, мактабга олиб борадиган йўлларга асфальт ётқизиш ишларига бош-қош бўлди. Маҳалладошларининг томорқасидаги экинларни суғориш учун олти километр ердан ариқ қаздириб, сув олиб келди. Янги қабристон атрофини тўсишда бутун маҳалла аҳлининг иштирокини таъминлади.

Эҳтимол, хайрли ишларни кўп қилгани учунми, унга икки марта муборак Ҳаж сафарига бориш насиб этди.

Ҳожи ота 81 ёшида бандаликни бажо келтирди.

Ота ўн нафар фарзандни комил инсонлар қилиб тарбиялади. Уларнинг барчаси ҳозир халқ хизматида камарбаста бўлмоқдалар.

Эргашбой ХУСАНОВ
(1926-2006)



Эргашбой Хусановнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Булоқбоши қишлоғида ўтди. 1951 йили у ўрта мактабни тамомлагач, Тошкентдаги гидро-мелиорация техникумига ўқишга кирди. Таҳсил тугагач, иш фаолиятини Хўжабод тумани сув хўжалиги бошқармасида оддий ишчиликдан бошлади.

У меҳнатсеварлиги билан жамоада ажралиб турарди. Шунинг учун кўп ўтмай бошқарма бошлиғи вазифасига кўтарилди. Бироқ ўша пайтда вилоят миқёсида ишлаш учун Эргашбойга ўхшаш мутахассис кадрлар жуда зарур эди. Шу сабабли орадан кўп вақт ўтмай уни Андижон қурилиш трестига қарашли қурилиш-монтаж корхонасида бўлим бошлиғи вазифасига тайинлашди. Бу ерда икки йил ишлаб, анча тажриба орттирди. 1969 йили Хўжабод механизациялашган кўчма сафи бошлиғи вазифасига ўтказилди.

Вилоят миқёсида ишлаб орттирган тажрибасини кундалик фаолиятида кенг қўллаган Эргашбой Хусанов бу ташкилотга ўн олти йил раҳбарлик қилди. Механизациялашган кўчма саф жамоаси унинг бошчилигида вилоят аҳамиятига молик бўлган «Раиш», «Дилкушод», «Савай» каналлари қурилишида, Булоқбоши ва Хўжабод туманларидаги насос станциялари қурилишида намуна кўрсатиб ишладилар. Шунингдек, улар Хўжабод туманидаги кўпплаб хўжаликларда экинзорларга ёпиқ дренажлар ўрнатишда ва насос станциялари қурилишида фаол қатнашдилар.

Кўчма саф қурувчилари замонавий бинолар бунёд этиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширдилар. Уларнинг яратувчилик меҳнатлари натижасида қад ростлаган Булоқбоши туманидаги «Зилола» болалар боғчаси,

«Нурбулоқ» савдо маркази, Хўжаободдаги «Шаҳрихонсой» чойхонаси, «Наргиз» савдо комплекси, кўчма сафнинг маъмурий биноси ҳозирги кунда ҳам қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Эргашбой ака етакчилигидаги жамоа бунёд этган бу каби бино ва иншоотларнинг ўша даврда нечоғли катта аҳамиятга эга бўлганлигини бугун ҳам англаб олиш қийин эмас. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, қурилган ҳар бир бино ёки иншоотнинг ишга туширилиши тантананага айланиб кетарди. Ўнлаб қурувчиларга хилма-хил совғалар, фахрий ёрлиқлар берилар, намуна кўрсатганлар ҳукумат ордени ва медалларига тавсия этиларди. Шундай пайтларда Эргашбой ака баъзан:

- Гап совға-салом, ордени-медал олишда эмас, - дер экан. - Бу матолар топилади. Муҳими, иншоотнинг қурилиши халқимизнинг хурсандчилигига сабаб бўлганлигида. Бу бинолар, иншоотлар эса бизнинг меҳнатмизни, қурувчилик номимизни асрлар оша авлодлар ёдига солиб туради.

Эргашбой ака ҳақ гапни айтган экан. Бугун у орамизда йўқ. Бешафқат ўлим 2006 йилнинг январь ойида бу инсонни сафимиздан олиб кетди. Лекин унинг порлоқ хотираси, қурган бинолари, халқ хўжалигини юксалтиришга қўшган ҳиссаси катта йиғинларда ҳам, ҳамқишлоқлар гурунглирида ҳам тез-тез эсга олиб турилади.

Эргашбой ака рафиқаси билан Ватан ва халқ ишига ҳамиша камарбаста бўлган фарзандлар ўстирди. Улардан бири Комилжон Ҳусанов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишламоқда.

Қолганлари туманнинг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатиб, ота руҳини шод этмоқдалар.

Темирбой ТУРҒУНОВ (1926-1998)



Темирбой Турғунов 1926 йилда Қўрғонча қишлоғида мулкдор оиласида дунёга келди. Отаси Турғунбой Мама-содиқов катта ер эгаси эди. Айтишлари-га қараганда, булоқбошилиқ бир гуруҳ кишилар ҳозирда Қўрғонча деб аталган жойга бориб, фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириб деҳқончилик қилганлар. Улар ораси-да Темирбойнинг отаси ҳам бўлган. Турғунбой ака анча ишбилармон ва бақувват бўлганлиги учун ўз қариндошлари ва танишлари ёрдамида катта экин майдони-ни ўзлаштириб, пахта, буғдой етиштириш ва чорва ҳайвонлари боқиш билан шуғулланган. Кейинчалик бу ер-лар шўролар томонидан тортиб олинган ва ер эгалари сургун қилинган.

1929 йили Темирбойлар оиласи - онаси Зебинисо, отаси Тўхтаҳон ва синглиси Дунёхонлар билан Бу-лоқбошига кўчиб келишган. Темирбой 13 ёшидан колхозга кириб ишлаб бошлаган. У бошланғич синфларга қатнаб, савод чиқарган. Бироқ шароит бўлмаганлиги сабабли ўрта маълумот ололмаган. 1949-1958 йилларда Бу-лоқбошидаги МТСда тракторчи бўлиб ишлаб бошлаган. МТСлар тугатилгач, Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли колхозда тракторчилик қилган.

Темирбой ака ўз касбини жуда қадрлар эди. Хўжалик бўйича техникани асраб-авайлаб сақлашда унга тенг ке-ладигани йўқ эди. Унинг трактори ҳаминиша ишга шай, мой-ланган, тозаланган, ювилган ҳолда турарди. Кўпчилик:

- Темирбой исми жисмига монанд йигит, отаси ҳам бу исмни ўйлаб қўйган, - дейишарди. Дарҳақиқат, Темирбой бўйдор, бақувват, бир сўзли, ваъдасининг устидан чиқадиган ва қатъиятли йигит эди.

Уни таниганлар шундай ҳикоя қилишади:

- Темирбой ҳар бир ишни пухта бажарарди. Дангасаларни хуш кўрмасди. Одамнинг орқасидан гапиришни, ғийбат қилишни ёқтирмасди. Зарурат туғилганда ҳар кимнинг айбини шартта бетига айтарди. Аммо давраларда хушчақчақ, сўзамоллиги билан ажралиб турарди.

У колхозда ишлаган пайтларда хўжаликка «комиссия» келиб ҳамма соҳани текширадиган ҳолатлар кўп бўларди. «Инжиқ» текширувчилар ҳам унинг ишидан нуқсон топиша олмасди. Ғўза парвариши даврида у ишни эрта тонгда бошлар, кун иссиғида дам олар, кечки пайт яна ишга киришиб, то оқшом қоронғусигача пайкалдан чиқмасди.

Одамлар бир воқеани ҳамон эслашиб юришади. Колхозга ўзаро текшириш комиссияси келадиган пайтда катта йўл бўйидаги пайкалда культивация қилаётган трактор бузилиб қолибди. Текшириш айнан шу пайкалдан бошланиши керак экан. Колхоз раиси зудлик билан Темирбойни топиб келинлар, у бу ишни уддалайди. Культивация қилинмаса, қаттиқ танқидга учраймиз», дебди. Темирбой раисга ваъда бериб,

- Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен бу майдонни меҳмонларга ёқадиган даражада культивация қилиб қўяман, - дебди ишонч билан.

- Ер кўп, - дебди раис. - Улгура оласанми?

- Буни мендан тонг саҳарда қабул қилиб олинг, - дебди Темирбой қатъий ва ўша кунни туни билан тўхтамай ишлаб, культивацияни тугатибди.

Эрталаб келган меҳмонлар культивация сифатини, тракторчининг уватдаги эҳтиёткорлигини мақташибди. Бундай таҳсин ва олқишларга Темирбой ака жуда кўп марта сазовор бўлган.

У фарзанд тарбиясида анча талабчан эди. Шу сабабли ўғиллари ўқимишли. комил инсонлар бўлиб етишди.

Темирбой Турғунов 1998 йилда вафот этган.

Пирмат ШЕРМАТОВ
(1928-2002)



Булоқбошида ўтадиган йиғин ва гу-
рунглarda ҳалол меҳнати билан обрў
қозонган инсонлар ҳақида гап кетса,
Пирмат ака Шерматовнинг номи, ал-
батта, тилга олинади. Негаки, у бутун
умр шу қишлоқда сидқидилдан меҳнат қилди, ҳаётнинг
оғир, ташвишли кунларини ҳам, шодликларини ҳам
ҳамқишлоқлари билан баравар баҳам кўрди.

Пирмат Шерматов 1928 йилда Булоқбоши
қишлоғининг Иттифоқ маҳалласида оддий деҳқон оиласи-
да туғилди. Меҳнат фаолиятини Карл Маркс (ҳозирги
Тоштемир Раҳимов) номли хўжалиқда бошлади. Ўсмирлик
даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келганлиги
учун кўпинча усти юпун, оч-наҳор ҳолатда бўлса ҳам ўша
пайтда қишлоқда қолган катта ёшдагилар билан баравар
ишлади.

Пирматбой ўн саккиз ёшида ҳарбий хизматга
чақирилди. Хизматни Сибир ўлкасида ўтади. Ўша кезлар-
да уруш асоратлари таъсирида емирилган халқ
хўжалигини тиклаш ишларига аскарлар ҳам жалб этилган
эди.

Пирмат ака бу ҳақида шундай ҳикоя қилганди:

- Биз хизмат қилган жойда совуқ қирқ даражадан
ошарди. Шунга қарамай, аскарлар қалин қор кечиб, да-
рахт кесгани чиқардик. Навбатдан ташқари ишга чиқиш
ҳоллари ҳам бўлиб турарди. Шундай кунларнинг бирида
эҳтиётсизлигим туфайли панжаларимни электрарра кесиб
кетди. Бироқ бундан кўп озор чекканим йўқ. Дарҳол госпи-

талга юборишди. У ерда ҳарбий шифокорлар зарур доридармонлар қўйиб, қўлимни боғлаб қўйишди. Тез кунда тузалиб, яна қисмга қайтдим. Шундан кейин мени ногиронсан, деб дарахт кесишга чиқаришмай қўйди.

Ногирон бўлишига қарамай, хизмат бурчини охиригача адо этган Пирматбой 1950 йили она қишлоғига қайтиб келди. У яна Карл Маркс номли хўжаликда оддий колхозчи бўлиб ишлай бошлади. Билимини ошириш учун кечки мактабга кириб ўқиди. Кейинроқ 20 йил мобайнида бир қатор бригадаларда ҳисобчи бўлиб ишлади.

Пирмат аканинг пахтачилик соҳасидаги бой тажрибасини инобатга олиб, 1973 йилда бригада бошлиғи этиб тайинладилар. У нафақага чиққунга қадар бригада бошлиғи бўлиб ишлади. У бошлиқ бригада пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга ошириб бориб, гектар ҳисобига 23 центнердан 31,5 центнерга кўтаришга эришди. Пахта тайёрлаш режаси ҳар йили ортиғи билан бажариб борилди.

Пирмат ака оилада меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи билан тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

Маҳалладаги жамоат ишларида Пирмат ака фаол қатнашарди. У кўпинча тозалик ва ободонлаштириш ишларининг ташаббускори бўларди. Оила аъзоларини хонадонни доимо саранжом-саришта тутишга одатлантирган-ди.

2002 йилда Пирмат ака Шерматов бандаликни бажо келтирди. Лекин унинг номи ва қилган ишлари ҳамқишлоқлари дилида ва тилида яшамоқда.

Тоштемир БОЙМАТОВ
(1930-2001)



*Полвонлар юртидир
Булоқбошимиз.
Курашни севади
көкса-ёшимиз.
Майдонни парзага солса
хайқириқ,
Осмонга етгандай бўлар
бошимиз.*

Ҳа, булоқбошилиқлар курашни жону дилидан севишади. Илгари тўй-тўйчиқлар ҳам курашсиз ўтмасди. Ҳозир ҳам гоҳ-гоҳида тўйларда кураш бўлиб туради.

Тоштемир ҳам ёшлигиданоқ полвон бўлиш орзусини дилига туккан эди. У Баротполвон, Шарифполвон, Ёғочполвон, Шамшиполвон, Деҳқонполвон каби полвонлар номини яхши билар, уларнинг қандай доврүф қозонганлиги ҳақида кўпдан-кўп ҳикояларни эшитган эди.

Тоштемирнинг полвонлар сафига кириши 1954 йилдан бошланди. Ушанда у 25 ёшга кирган, айна кучга тўлган пайти эди. Бу пайтларда жамоа хўжалиқларида кўнгилли «Пахтакор» спорт жамиятининг тузилмалари мавжуд эди. Тоштемир каби спортга қизиқувчилар бу жамиятга аъзоликка қабул қилинар эдилар. Аъзолик қуруқ савлатга эмас эди. Вақти-вақти билан «Пахтакор» жамиятининг мусобақалари бўлиб турарди. Хайдовчилик курсини битириб, Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли хўжалиқда машина бошқараётган Тоштемир Бойматов штанга кўтариш ва кураш бўйича туман шарафини ҳимоя қилиб, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларида бўлган мусобақаларда қатнашарди. Кўпроқ ғолибликка эришар, бу эса унинг кураш билан жиддийроқ шуғулланишга иштиёқини оширарди. Қишлоқда Сайдулло, Иброҳим сингари ҳамкасблари билан тез-тез кураш тушиб, ўзини чиниқтириб борарди. Тез орада у туманда,

кейин Андижон вилоятида ўз вазн тоифаси бўйича ғалаба қозона бошлади. Номи полвон сифатида кўпчиликка маълум бўлиб борди.

1966-1967 йилларда уштепалик Ҳабибулло полвон белбоғли кураш бўйича республика чемпиони бўлди. У ҳатто қирғизистонлик машҳур Деҳқонполвон билан ҳам кураш тушиб, унинг елкасини ерга тегизди.

Тоштемир Ҳабибулло полвонни устоз сифатида ҳурмат қиларди, белбоғли кураш сирларини ундан ўрганиб борарди. Унинг омади чопди. Республика мусобақасида Ўрта Осиё чемпиони Минаш полвон билан бел олишиш шарафига муяссар бўлди. Полвонларнинг яхши бир одати бўлади. Улар кураш майдонида бир-бирларига рақиб бўлсалар-да, ҳаётда қадрдон дўст, меҳрибон оғайни, софдил ва марҳаматли инсонлар бўладилар. Минаш полвон ёш Тоштемир полвоннинг қулоғига шундай насиҳат қилган экан: «Ҳали ёшсан, шошилма, оғир-босиқ бўл. Олдинда кўп машаққатли йиллар бор. Сендан яхши курашчи чиқади. Мен бир ҳамла билан сени йиқитиб қўйишим мумкин, бироқ сенинг ҳафсалангни пир қилган бўламан».

Тоштемир полвон бу панд-насиҳатни умр бўйи унутмади. Ўш шаҳрида бўлган бир курашда Бедана полвон лақабли Қирғизистон чемпиониға дуч келди. Қанча ҳаракат қилишса ҳам, полвонлар бир-бирини йиқита олишмади. Тоштемир рақибини даст кўтариб ердан узиб олиши билан Бедана полвон унинг тиззаларига чиқиб олар, ўнгга ташласа ҳам, чапга ташласа ҳам у тикка тушаверар эди. Шу тариқа жуда кўп вақт ўтди. Полвонлар бир-бирларини енга олмадилар. Кураш тушдан сўнг давом этадиган бўлди.

Дам олиш пайтида Тоштемир полвон кўп дўстлари билан маслаҳатлашди. Улардан бир аниқроқ фикр чиқмади. Ўшанда у устози Ҳабибулло полвоннинг ўғитларини эслади:

- Айрим полвонлар бор, - деган эди ўшанда Ҳабибулло полвон, - кўтаришинг билан тиззанга чиқиб олади. У ёнга ҳам, бу ёнга ҳам ташлаб йиқита олмайсан. Бундай пайтларда бир томонга айлантириб, иккинчи томонга қайириб ташлаш керак. Чунки у бундай ҳолатни кутмайди-да».

Тушдан кейинги курашда Тоштемир полвон Бедана полвонни худди ана шундай усулда йиқитди. Дастлаб уни белидан маҳкам қисиб, оёғини ердан узиб олди. Бедана полвон одатича Тоштемир полвоннинг тиззаларига чиқиб олди (шунинг учун уни Бедана-полвон дейишар эди-да). Тоштемир полвон «Ҳа-а!» дея қичқириб, рақибини ўнг томонга айлантираверди, айлантираверди. Ўзининг ҳам боши айланиб йиқилиб кетишига сал қолди. 5-6 марта айлантиргач, бирдан тўхтаб, рақибини ўнг оёғи ёрдамида чап томонга қайириб ерга ташлади. Бу ҳолатни кутмаган Бедана полвон ўзини Тоштемир полвоннинг остида кўрди. Атрофни ҳайқириқ қоплади. Икки-уч кундан бери бировни менсимай полвонларнинг елкасини ерга қадаётган Бедана полвон тан бериб, голибни елкасидан кучди-да, ҳансираган ҳолда шивирлади:

- Ҳали яна учрашамиз, полвон!

Ҳамқишлоқларнинг айтишларига қараганда, Тоштемир полвон Бойматов ҳақиқатгўй, адолатпарвар, одамларга меҳрибон инсон бўлган экан. У жамоа хўжалигида ҳалол меҳнат қилган. Ҳайдовчилик касбига доғ туширмаган. Қирғизистон, Тожикистон республикаларининг бир қатор шаҳарларида бўлган мусобақаларда қатнашиб, республикамиз шарафини ҳимоя қилган. 17 йил давомида Булоқбошида бўлган курашларда бош ҳакамлик қилган.

Тоштемир полвон Бойматов умри давомида яхшилик қилиш мақсади билан яшади, кўпчиликнинг дуосини олди. 1984 йили хўжаликнинг ҳаммом ва чойхона биносини хусусийлаштириб олиб, ҳамқишлоқлари хизматида бўлди.

У оиласи Ойимхон ая билан 7 фарзандни тарбиялаб, ҳаёт кучоғига йўллади. Ҳозирги пайтда улардан 5 нафари

халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Набираларидан уч нафари боболари изидан боришяпти. Муҳаммадсултон бокс бўйича республика биринчилигининг «кумуш» медали совриндори, Равшанбек, Муродилжонлар ҳам спортда яхши натижапарга эришишмоқда.

Тоштемир полвон 2001 йилда вафот этган. Унинг порлоқ хотираси ҳамқишлоқлари ёдида мангу сақланади.

Турсунали ҳожи ОХУНОВ (1931-2004)

«Яхши одам эди». Шу бир оғиз сўз замирида бир олам маъно борлигини кўпчилик яхши тушунади. Бироқ ҳар ким ҳақида ҳам бундай илиқ гаплар айтилавермайди.



Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Турсунали ҳожи Охуновнинг номини булоқбошилиқлар доим чуқур эҳтиром билан тилга оладилар.

Турсунали Охунов 1931 йилда Булоқбоши қишлоғининг Иттифоқ маҳалласида оддий деҳқон оиласида туғилган. Отаси Охунжон Комилжонов содда, камтар, меҳнатсевар деҳқон бўлган, кўпроқ боғдорчилик билан шуғулланган. Онаси Шаҳриниса Боқиева оқила аёл бўлиб, фарзандларга яхши тарбия бера олган.

Турсунали тўрт ёшга кирганда отаси вафот этди. У болалиқданоқ турмушнинг оғир синовларини бошидан кечиршига тўғри келди. Иккинчи жаҳон уруши Турсуналилар оиласининг аҳволини баттар оғирлаштирди. Уруш йилларида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Сайфиддин ака Холмирзаев бу оиллага бир оз ёрдам бўлишини ўйлаб, ёш Турсуналини ҳисобчига ёрдамчи қилиб ишлата бош-

лади. Ўсмир ҳар қандай оғир меҳнатдан бўйин товламаслиги билан тезда эътибор қозонди. Шу бригадада ишлаб, бир неча йил ичида гўза парвариши агротехникасини анчагина ўрганиб олди. 1946 йилда ўн беш ёшли йигитни бригадирликка сайладилар.

Турсунали аканинг шогирдларидан бири Аҳмадали Ёқубов шундай ҳикоя қилади:

- Турсунали аканинг деҳқончилик соҳасидаги тажрибалари ўзига хос эди. У пахта майдонларини, албатта, кузда ҳайдатар, қиш давомида далага маҳаллий ўғит ташитар, сув йўлларини тозалашга катта эътибор берарди. Дала шийпони олдида турли хил сабзавот экинлари ўстириш ва гулзорлар барпо қилишни мана шу Турсунали ака бошлаган...

Турсунали ака пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган уста деҳқонлардан бири саналарди. Шунинг учун Тоштемир Раҳимов (аввалги Карл Маркс) номли ширкат хўжалиги бошқаруви уни паст ҳосилли бригадаларга юборар эди. 1950-1960 йиллар ўртасида хўжалиқда ерга ер қўшиш, фойдаланилмай ётган майдонларни экинзорларга айлантириш ҳаракати бошланди. Шу ўн йиллик ўрталарида Турсунали ака Оқшувоқ деб аталадиган жойдаги чекка бригадага ҳисобчи қилиб юборилади. Бу ерда у икки йил ишлайди. Бригадада меҳнат интизоми яхшиланади, пахта ҳосилдорлиги ортади. Энди уни хўжалик марказидаги бригадалардан бирига бошлиқ этиб ўтказишади. Шунда Оқшувоқдаги аъзоларнинг ҳаммаси Турсунали аканинг бригадасига ўтамиз, деб туриб олишади. Бу унинг тўғрисиўзлиги, ҳалол меҳнатлари билан аъзолар ишончини қозонганлигининг исботидир. Турсунали ака Оқшувоққа бориб, аъзоларга мингдан-миг раҳматлар айтади. «Сизлар шу ерда ишласанглар ҳам, мен сизларни ҳеч

қачон унутмайман», деб аъзолар билан самимий хайрлашади. Кўпчилик аъзолар уни кўзларида ёш билан кузатиб кўядилар.

Элнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган Турсунали ака 1978 йили Булоқбоши қишлоқ Кенгашига, 1978-1981 йиллари халқ депутатлари Хўжаобод район Кенгашига депутат этиб сайланди. Бу йиллари унинг яна бир фазилати намоён бўлди. Ўзи яшаб турган маҳалла кўчаларини кенгайтириш, асфальт ётқизиш ташаббускори бўлди, ободонлаштириш ишларига моддий кўмак кўрсатди. Айниқса, у маҳалла кўчабошиси бўлиб жамоат ишини бажарган йиллари маҳаллада тозалик, ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди ва маҳалладошлар ўртасида аҳиллик, иноқлик ришталари мустаҳкамланди. Турсунали ака 1993 йили муборак Ҳаж сафарига бориб келгач, маҳаллада оилалар аҳиллигини, ҳамқишлоқлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва биродарликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди.

Турсунали ака саккиз нафар фарзандини худди ўзи каби меҳнатсевар, одамшаванда инсонлар қилиб ўстирди. Оиласи Машрабхон ая билан қарийб 51 йил бирга умргузаронлик қилиб, бир марта ҳам «сен-мен»га боришмади. Намунали оила сифатида доимо эъзозланиб келди.

Т. Охунов 2004 йилда дорилбақога рихлат қилди. Ҳозирги пайтда унинг фарзандлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб, ота руҳини шод этмоқдалар.

Сотволди ҚОСИМОВ
(1931-1999)

Бу инсон ҳаёти ҳар қанча таърифу тавсифга муносиб. Чунки у бутун умри мобайнида Булоқбоши, Хўжабод туманларининг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Сотволди Қосимов 1931 йил 18 майда Булоқбоши қишлоғида туғилган эди. Қишлоқдаги мактабни тамомлагандан сўнг 1951 йили Тошкент гидромелиорация техникумига ўқишга кирди. Бу ерда ихтисоси бўйича чуқур билим олгач, Хўжабод тумани сув хўжалиги бошқармасига ишга келди. Дастлаб инструкторлик вазифасида ишлади. Ўз ишига масъулият билан ёндашиши, изланувчанлиги туфайли тез орада бирлашма раҳбариятининг назарига тушди.

1962 йилда қишлоқ хўжалигида ислохотлар амалга оширила бошланди. Янги ерлар очиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув йўлларини равонлаштириш ва янги тармоқлар барпо этишга жиддий эътибор қаратилди. Бундай шароитда бошқарма бошлиғи ўз билими ва ташаббускорлиги билан жамоани олға бошлаши, давлат томонидан қўйилаётган вазифаларни изчил бажариши зарур бўлиб қолди. Раҳбарлар бу масъулиятли вазифага Сотволди Қосимовни маъқул кўрдилар.

Бўлиб ўтган суҳбатда Сотволди Қосимов «мен у қиламан, бу қиламан», деб мақтанмади. Аксинча, камтарлик билан «Шу соҳага меҳр қўйиб, ўқишни битириб келган эканман, ўзимга билдирилган ишончни ҳар қадамда оқлашга ҳаракат қиламан», деди. Ва умрининг охиригача ана шу сўзига амал қилди.

Сотволди Қосимов 27 йиллик раҳбарлик фаолияти давомида Хўжабод тумани ҳудудида кўплаб янги ерлар очишга ўз ҳиссасини қўшди. Унинг таклифи билан ва бе-



восита раҳбарлигида Завроқ, Кулла, Раиш, Чақар, Дилкушод насос станциялари қурилди. Экин майдонларини, аҳоли яшаш жойларини сел, дўл, сув тошқинларидан ҳимоя қилиш учун қатор дамбалар барпо этилди. Пахта майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш учун мелиорация ишлари олиб борилди. Туманлар ҳудудида бир неча ўн километрлаб янги сув йўллари очилиб, каналлар қазилди, мелиорация объектлари қурилди.

Сотволди Қосимов раҳбарлик фаолиятида кадрларни танлашга, улар билимини оширишга, ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириб боришга катта аҳамият берган. Ҳозирги кунда сув хўжалиги тармоқларида меҳнат қилаётган кишиларнинг кўпчилиги унинг шогирдларидир.

Тинимсиз изланиш ва ҳалол меҳнат билан эл ўртасида ҳурмат қозонган Сотволди Қосимовнинг хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. У орден ва кўплаб медаллар соҳиби бўлган. Муборак 60 ёшини нишонлаш арафасида Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Сотволди Қосимов эл-юрт хизматини намунали бажариш билан бирга катта оила бошлиғи сифатида фарзандлар тарбиясига ҳам жиддий эътибор берган. Турмуш ўртоғи Ҳалимаҳон опа билан бирга ўғил-қизларни халқ хизматиغا доимо камарбаста кишилар қилиб тарбиялади. Улар эндиликда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Акрамжон қурилиш муҳандиси, Матлубаҳон, Манзураҳон, Маҳфузаҳонлар муаллима, Насибаҳон, Ҳафизаҳонлар ҳисобчи.

Сотволди ака Қосимов 1999 йил 4 июль куни вафот этди.

Араббой МИРЗАЕВ
(1932-1991)



Араббой Мирзаев 1932 йилда Булоқбоши қишлоғида туғилган. Отаси «Мирзахон чойхоначи» номи билан машҳур бўлиб, қишлоқ марказидаги чойхонани бошқарар эди. Яқин атрофдаги қишлоқлардан савдо қилиш учун келган кишилар унинг чойхонасидан кўним топар, бу жой доимо гавжум бўлиб, тонг сахардан ярим тунгача очиқ турарди.

Араббой ёшлигиданоқ чойхонада отасига кўмаклашарди. Унинг ўсмирлик тафаккури омма орасида шаклланиб борарди.

Араббой 1952 йили ўрта мактабни битиргач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида беш йил таҳсил олди ва олим-агроном мутахассислиги билан қишлоққа қайтиб келди. Унинг меҳнат фаолияти асосан биринчи бор иш бошлаган жойи - «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги билан чамбарчас боғланган. 1958 йилдан то 1976 йилгача шу хўжаликда агроном ва партком қотиби вазифаларида ишлади.

«Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ўрамидаги қишлоқларда яшовчилар ҳозир ҳам Араббой Мирзаевнинг номини ҳурмат билан эслайдилар. Унинг меҳнатсевар, адолатпарвар, тўғрисиўз, меҳрибон инсон бўлганлигини ёшларга ибрат қилиб кўрсатадилар. Ҳақиқатан ҳам Араббой Мирзаев оғир-босиқ, ҳар бир ишни пухта ўйлаб қиладиган, халқ манфаати йўлида жон куйдирувчи, жонсарақ раҳбар эди. Хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришда унинг ҳиссаси катта бўлган. Хусусан, пахта майдонларини кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш, экин майдонларининг захини қочириш ишларига у бош-қош бўлган.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида республика миқёсида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, пахтани машинада териш ҳаракати кенг қулоч ёйган. Техникадан унумли фойдаланишнинг бирдан-бир мақбул йўли - бу, карталарни йириклаштириш деб тушунган Араббой ака бошчилигида хўжалиқда бу тадбирни амалга оширишга киришилган. Янгилик ҳар доим ҳам силлиққина ҳаётга татбиқ этилавермайди. Шу боис дала меҳнатчиларига, бригада бошлиқларига, ҳатто раисларга ҳам механизациянинг аҳамиятини тушунтиришга тўғри келган. Бу соҳада Араббой Мирзаевнинг суҳбатлари, мажлисларда айтган гаплари ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Шу тариқа жамоа хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 20 центнердан 28 центнерга кўтарилган.

Араббой ака сиёсий жиҳатдан ҳам етук инсон эди. У замон ўртага қўяётган вазифаларнинг асл моҳиятини тез англаб етар, уни одамларга далиллар ёрдамида тушунтирар эди. У маълум муддат «Ўзқишлоққимё»нинг Хўжабод тумани бўлинмасида ҳам агроном-агрохимик вазифасида ишлаб келди. У қаерда ишламасин, ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарди. Меҳнатларига яраша иккита орден ва медаллар билан мукофотланди.

Араббой Мирзаевнинг оиласи маҳаллада намунали оила ҳисобланарди. У фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор берарди. 7 нафар фарзанднинг отаси бўлган Араббой ака уч қизини олийгоҳларда ўқитди. Ўғиллари ҳам ишбилармон кишилар бўлиб етишди.

А. Мирзаев 1991 йили вафот этди. Бироқ унинг номи ва қилган ишлари халқ дилида, тилида яшамоқда.

Лолахон АЛИХОНОВА
(1932-2005)



Турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, эл орасида катта ҳурмат-эътибор орттирган Мулла Ҳасанбой Алихонов ва Ҳатичахон ая оиласида тўрт қиз вояга етарди. Лолахон қизларнинг энг каттаси эди. Онаси вафот этгач, укаларини ювиб-тараш асосан Лолахон зиммасига тушади. Шу билан бирга у мактабда ўқишни тўхтатмаган ҳолда собиқ Молотов номли колхоз далаларига чиқиб, меҳнат қила бошлайди. 1955 йили ўнинчи синфни битиргач, Булоқбоши тумани партия кабинети кутубхонасида мудирлик қилади. Уч йилдан сўнг, 1-ўрта мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга ўтади. 1966 йили Булоқбоши қишлоқ Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимига сайланади.

Шу йилдан эътиборан унинг жўшқин меҳнат фаолияти бошланади. Лолахон опа қишлоқ аҳли ўртасида оила тотувлиги, ёшлар тарбияси, тозалик ва ободонлаштириш соҳалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, қишлоқда янги турмуш тарзини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

1973 йил Лолахон опа ҳаётида унутилмас из қолдирган. Шу йили Булоқбоши қишлоғида бадий буюмлар фабрикаси очилади. Хўжабод туманининг ўша вақтдаги биринчи раҳбари Жўра Ҳасанов фабрика директорлигига Лолахон Алихонова номзодини танлайди. Фабриканинг очилиш маросимига республика раҳбари Шароф Рашидов ташриф буюради ва у директорнинг ишларига муваффақиятлар тилайди.

Лолахон опа янги лавозимда зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилади. Унинг ташаббуси билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча дастгоҳлар келти-

рилади. Уйда бекор ўтирган аёллар, шунингдек, 9-10-синфни битирган қизлар фабрикага кенг жалб этилади. Умумий ишчилар сони 500 нафарга етказилади. Уларга етарли шароитлар яратиб берилади. Ишчи аёлларнинг саломатлигини текшириб бориш учун фабрикада тиббиёт пункти очилади, ишчилар ошхонаси ишга туширилади.

Вақт ўтган сайин булоқбошилиқ чеварларнинг маҳоратлари ортиб борди. Энди улар тайёрлаган бадий буюмлар чойшаб, поёндоз, нақшинкор матоларга харидорлар кўпаяди. Фабрикага турли вилоятлардан буюртмалар туша бошлайди. Бундай буюртмаларни янада кўпайтириш мақсадида дўппи,якак тикиш цехлари ҳам очилади. Ҳозир ўша йилларни эслаган аёллар Лолахон Алихонованинг ташкилотчилиқ қобилияти, жамоага етакчилиқ маҳорати ҳақида ҳаяжонланиб гапирадилар.

Лолахон опа Булоқбоши қишлоғи аёлларидан биринчи бўлиб Сурия, Ливан, Ироқ, Миср Араб Республикаларида саёҳатда бўлган. Самарали меҳнати кўплаб фахрий ёрлиқлар, медаллар билан тақдирланган

Лолахон опа Алихонова турмуш ўртоғи - республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Мадаминжон Қосимов билан эллик йил тотув турмуш кечиришди. 1983 йили опа пенсияга узатилди.

Улар беш нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказишди, ҳаммаларини олий маълумотли қилишди. Фарзандлари ҳозир ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида унумли меҳнат қилмоқдалар.

Лолахон Алихонова 2005 йилда фоний дунёни тарк этди. Бироқ унинг одамларга қилган яхшиликлари, эзгу ишлари оила аъзолари ва барча булоқбошилиқлар хотирасида мангу яшайди.

Турғунбой БУВАЖОНОВ (1933-1997)



1933 йилда туғилган Турғунбой Буважонов Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги аччиқ кунларнинг шоҳиди бўлди. Уруш ортидаги ҳаёт машаққатларини тотди. Ўсмирлик ёшидаёқ отаси билан бирга далага чиқиб ишлади. Мактабни тамомлагач, механизаторлик курсини битириб, собиқ Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номли хўжалиқда ишлай бошлади.

Турғунбой механизаторлик касбини жуда қадрлар эди. Шунинг учун ҳам ғайрат билан ишлашга ҳаракат қиларди.

Унинг турмуш ўртоғи Ўғилхон аянинг ҳикоя қилишича, Турғунбой ака техникага жуда қизиқадиган одам эди. У қиладиган ишини аввал минг чандон ўйлаб, кейин бажарар, оилада эса ўта талабчан, фарзандлар тарбиясида қаттиққўл инсон бўлган.

Бир куни хўжалик раиси машина ҳайдовчилар етишмаётганини айтиб қолди.

- Эй, Турғунбой, - деди у ҳазил аралаш, - тракторни минган одам машинани ҳайдай олмайdimи?

- Ҳайдаши мумкин, - деди Турғунбой жиддий, - лекин қоида бўйича гувоҳнома бўлмаса, мумкин эмас.

- Унақа бўлса шофёрликка ҳам ўқиб қўйсанг бўларкан, - деди раис. Шу гап унинг орзусига қанот бағишлади. Тез орада ҳайдовчилик курсини ҳам битирди ва хўжалик юк машинасини бошқара бошлади.

Турғунбой Буважоновнинг ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеа республика биринчи раҳбари Шароф Рашидов билан учрашиши бўлди. Шароф Рашидов Булоқбошига тез-тез келиб турар эди. Юксак мартабали раҳбар бир куни Карл Маркс номли колхоз далаларини айланди ва шийпонда хўжаликнинг илғор кишилари билан

суҳбатлашди. Турғунбой ўзига берилган саволларга тўлақонли жавоб қайтариб, катта раҳбарнинг таҳсинига сазовор бўлди.

- Сиз каби техника шайдолари, мохир пахтакорлар хўжалик шуҳратига шуҳрат қўшади. Яшанг! - деганди республика раҳбари ўшанда.

Турғунбой Буважонов ширин сўзлиги, ёрдам сўраган кишилардан ёрдамини аямаслиги билан ажралиб турарди. Кейинчалик у хўжалиқда механик бўлиб ишлади. Сўнг бош муҳандис вазифасини бажарди ва ўзига юклатилган юмушларни пухта бажариб, раҳбариятнинг, одамларнинг ишончини қозонди. У умрининг 50 йилдан ортигини она қишлоғи ва қадрдон хўжалиги равнақига бағишлади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, Турғунбой аканинг фарзандлари эл корига ярайдиган, отаси каби ҳалол ишлайдиган, одамлар билан муносабатда оғир-босиқ, маҳалла ҳаётида фаол қатнашиб, раҳматларга сазовор бўладиган чиқишди.

Турғунбой Буважонов 1997 йилда вафот этди.

Даминжон МАДИЁРОВ (1933-2005)

Уни фақат Булоқбошидагина эмас, балки Хўжаобод, Жалақудуқ туманларида, ҳатто вилоят миқёсида кўпчилик танир ва ҳурмат қилар эди. Даминжон дейилса, «Ҳа, ҳалиги аскиячи, гапга чечан одам-да» дейишарди. У ҳар қандай кишини бир зумда ўзига қаратиб оларди.



Даминжон Мадиев 1933 йилда хизматчи оиласида туғилган эди. Отаси эрта вафот этган. Онаси хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлардан.

Даминжон Мадиевнинг меҳнат фаолияти 1955 йилда Карл Маркс (ҳозирги Тоштемир Раҳимов) номи хўжалиқда ҳисобчиликдан бошланди. Икки йил хўжалиқда ишлагач, уни туманда спорт йўриқчилиги вазифасига таклиф қилишди. Даминжон бажонидил рози бўлди, чунки ўзи спортни севар, унинг волейбол, баскетбол турлари билан қизгин шуғулланар эди. Бу вазифада у ўн йил самарали меҳнат қилди. Физкультура ва спорт соҳасида Булоқбоши, кейин Хўжаобод туманларидаги ишлари республика миқёсида тилга олинадиган бўлди.

Кўнгилли «Пахтакор» спорт жамиятининг хўжалиқларда юзлаб аъзолари бўлиб, улар ўртасида ўзаро мусобақалар уюштирилди. Белбоғли кураш бўйича республика чемпиони, учтепалик Ҳабибулло полвон туманга катта обрў келтирди. Булоқбоши туманининг волейбол жамоаси республика мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллади. Велосипед пойгаси, шахмат-шашка мусобақаларида ҳам булоқбошилиқлар фахрли ўринларни қўлга киритиб келганлар. Булар ўз-ўзидан бўлмаган. Дамин аканинг елиб-югуриши, ташаббускорлиги, хўжалиқларда спорт ишларининг талаб даражасида ташкил этишга эришганлиги сабабли ана шундай яхши натижалар қўлга киритилган.

Шундан сўнг Даминжон Мадиев маълум муддат Булоқбоши қишлоқ Кенгашининг раиси бўлди. Кўп ўтмай унинг турли тадбирларни, ташкилий ишларни пухта уюштириш қобилиятини инобатга олиб, матлубот жамияти ташкилий бўлимининг мудирлигига ўтказишди. Дамин ака савдо тизимида ташкилотчи бўлиб, жўшқин фаолият кўрсата бошлади. Аввало, юзлаб ёш савдо ходимларининг ўқиши ташкил этилди. Булоқбоши савдо ходимларининг илғор иш тажрибалари республикага ёйилди. Булоқбошида матлубот кооперацияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланди. Учта йирик савдо комплекси қуриб, фойдаланишга топширилди. «Булоқбоши оқшоми» ресторани иш бошлади. Кўп ўтмай Булоқбоши матлубот

жамияти базасида Бутуниттифоқ савдо ходимларининг семинари ўтказилди. Ҳозир «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг раиси бўлиб ишлаётган Исмоилжон Норматов ўша йилларда матлубот жамиятининг раиси эди. У Д. Мадийёровнинг ташкилотчилик ишлари мақтовга сазовор бўлганлигини таъкидлайди.

Даминжон Мадийёров 1989-1991 йилларда Булоқбоши матлубот жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси сифатида ҳам ибратли ишлар қилди. Бутун куч ва билимини, тажрибасини савдо соҳасини ривожлантиришга, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфлади. 1992 йилда туман нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси лавозимига сайланди ва умрининг охиригача шу вазифада ишлади.

У иродали инсон эди, бошқаларни ҳам шундай бўлишга даъват этарди. Ногирон бўлиб қолганига қарамай, туман аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун изланиб меҳнат қилди.

У 2005 йил май ойида вафот этди. Эндиликда фарзандлари ота изидан бориб, халққа сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Баҳриддин ХОЛМУҲАММЕДОВ (1937-1984)

Баҳриддин Холмуҳаммедов ҳақида унинг болалиқдан бирга улғайган дўсти Камолхўжа Абдулаҳатов шундай ҳикоя қилади:

- Дўстим Баҳриддин қисқа умр кўрди. Лекин шу қисқа умри давомида жуда кўп ишларни қилишга улгурди. У Тошкентдаги олийгоҳни тамомлаб қайтгач, ўзи билим олган 1-мактабда ўқитувчилик қилди. Тез орада вилоят ёш-



лар ташкилотида йўриқчи, кейин туман ёшлар ташкилотининг биринчи котиби, туман партия кўмитаси мафкура бўлими мудирининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

У ташкилотчи инсон эди. Одамлар билан бир зумда дўстлашиб олар, ўзининг гапга чечанлиги, вазиятга тез мослаша олиши билан ажралиб турарди. У қаерда ишлаган, ҳамма жойда эса қоладиган ишлар қилишга муваффақ бўлган. Масалан, Хўжаобод тумани ёшларининг етакчиси бўлган даврларда адир ерларни ўзлаштириш ва боғ-роғлар ташкил қилиш ишига бош-қош бўлган. У Чехословакия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерациясининг кўпгина шаҳарларига Ўзбекистон ёшлари номидан вакил бўлиб борган. Москвада биринчи фазогир Юрий Гагарин билан учрашган ва эсдалик учун суратга тушган... Шогирдларини кўяверинг. О. Холматов, Т. Мирзаев, Ш. Қуббиев, Т. Умрзоқов, Д. Ҳомидова, И. Мирзаев... Улар ўз устозининг ишини турли жабҳаларда муносиб давом эттирганликларини Хўжаобод ва Булоқбоши туманларидагина эмас, ташқарида ҳам кўпчилик яхши билади.

1977 йилда Баҳриддин Холмуҳаммедов ташаббуси билан Жўраполвон номли хўжаликнинг тарихий музейи ташкил этилган. Музейдаги экспонатлар хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини қамраб олган ва унинг зарбдор кишилари номларини тарих саҳифаларига муҳрлаган. Ҳозир бу музей туман тарихи музейига айлан-тирилган.

1980 йилнинг бошларида Баҳриддин соғлиги йўл қўймаганлиги сабабли ўзини катта ташкилотчилик ишларидан бир оз четга олишга мажбур бўлди. Энди у Булоқбоши ўқувчилар уйида кино ва суратга олиш тўғрисида раҳбари бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда туман шаъни ва обрўси учун асқотадиган фильмларни яратди. Унинг мактаб ўқувчилари ҳаётдан олинган «Раънонинг бир куни», «Хўжаобод лавҳалари», «Булоқбоши жамоли» каби фильмлари ўз даврида шухрат қозонган.

Баҳриддин журналист сифатида янгича тўйлар ҳақида китоб ёзиб чоп эттирган. Юзлаб мақолалари республика ва вилоят газеталарида босилган. Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» бўлимининг жамоатчи мухбири сифатида туман янгилликларини республика миқёсида ёйиб турган. Ўзи яшайдиган маҳалла аҳолиси учун артезиан қудуғи қазिश ишларига бош-қош бўлган.

Баҳриддин ўзининг садоқатли турмуш ўртоғи Муясархон билан бирга уч ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир унинг ўғил-қизлари ўзи каби халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

У 1984 йил июль ойида вафот этган. Аммо яхши ишлари билан иккинчи боқий умрини яшамоқда.

Тумандаги 5-мактаб ўқувчилари учун Баҳриддин Холмуҳаммедов стипендияси ташкил этилган. Бу стипендия ҳар йили мактабнинг аълочи ўқувчиларига бериб берилади. Гулистон маҳалласининг битта кўчаси Баҳриддин Холмуҳаммедов номи билан аталади.

Одилжон АБДУВАҲОБОВ (1940-1976)

Одилжон болалиқдан савдогарлар ишига ҳавасманд эди. Лекин қишлоқда мактабни тамомлагандан сўнг отонасининг маслаҳатига кўра педагогика институтига ўқишга кирди. Бу соҳага унда иштиёқ йўқ эди. Шунинг учун ўқишни давом эттирмади. Тез орада Асака шаҳридаги савдо техникумига ўқишга кириб, уни аъло баҳоларга тамомлади.



Одилжон дастлабки меҳнат фаолиятини собиқ Булоқбоши пахта тайёрлаш пункти ёнидаги озиқ-овқат мага-

зинида бошлади. Кейин собиқ «Андижон ПМК» олдидаги саноат моллари дўконига ишга ўтди. Ҳар иккала магазинда ҳам унинг омади чопди. Ойлик ва чораклик савдо режаларини орттириб бажаришга эришди. Шу атрофдаги харидорлар дидига мос товарлар олиб келиш билан ҳурмат қозона бошлади.

Савдогарлик Одилжонга бобо касб бўлганлиги учун у халққа хизмат қилишнинг оғир ва машаққатли жиҳатларини писанд қилмай ишлади. Савдо тизимида илғорлардан бири деб ном чиқарган Ўзганбой акага шогирд тушди. Ундан кўп нарсаларни ўрганди.

1966 йили туман марказидаги маданий моллар магазинига ишга келди. Бу ерда ҳам у илғор савдогар деб ном чиқарди.

- Одилжон манманликни билмасди, - дейди унинг мактабдош дўстларидан бири, - одамларга меҳрибон, ширинсўз, харидорлар билан ҳам, бошқалар билан ҳам гаплашганда доим лабида табассум ўйнардди. Савдо ишида обрў топишнинг ягона бир йўли - ҳалоллик. Одилжонда шу хислат мужассамлашган эди. У бировнинг ҳақиға заррача ҳам хиёнат қилмасди.

Одилжон Абдуваҳобовнинг бу фазилатлари савдо ташкилоти раҳбарларига ҳам маълум эди. Шу боисдан туман марказидаги савдо дўконига ишга келди. Бу ерда икки йил ишлагач, Булоқбоши матлубот жамиятининг мол олиб келиш ва жўнатиш ишлари билан шуғулланувчи экспедитори вазифасига ўтказилди. Одилжоннинг отаси Андижон шаҳрида туғилган бўлиб, аксарият қариндошлари вилоят марказида истиқомат қилишар ва савдо иши билан шуғулланишарди. Товарларни топиш ва келтириш борасида улар тўплаган тажриба ҳамда алоқалар Одилжонга ҳам асқотди. У қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган товарларни зарур ассортиментда етарли миқдорда келтира бошлади. Савдо дўконларида товарлар турларининг кўпайиши чекка қишлоқларда ҳам янги дўконлар очиш ва савдо хизмати кўрсатишни кенгайтириш имконини берди.

Бу эса товар айланиши ҳажмининг анча ортишига асос бўлди.

Одилжон Абдуваҳобов айна кучга тўлган, юзлаб дўст-биродар, таниш-билишлар орттирган бир пайтда оламдан кўз юмди. 1976 йилнинг октябрь ойида булоқбошилиқ савдогарлар ташкилотчи, ташаббускор, инсон қадр-қимматини ҳамма нарсадан юқори кўювчи ажойиб ҳамкасбларидан ажралиб қолдилар.

Одилжон Абдуваҳобов қисқа умр кўрган бўлса-да, ҳаётда ёрқин излар қолдира олди. Унинг фарзандлари ота касбини давом эттириб эл-юрт ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Туман марказидаги «Одилжон» фирмасининг салобатли биноси гўё ҳамқишлоқларига унинг эзгу ишларини эслатиб тургандай...

Турмуш ўртоғи Тожихон Одилжондан қолган беш ўғил-қизни меҳр-муҳаббат билан камолга етказди. Айрилик аламларига чидаш бериб, садоқатли аёл сифатида умр кечиргани боис фарзандларининг камолини кўриб яшамокда.

*Йиллар оқиб ўтди бир-бирин қувиб,
Сиз юрган йўлларда боғ бўлди пайдо.
Оппоқ тонг нурига юзингиз ювиб,
Келажак ўйлари айлади шайдо.
Чарчоқ нималигин билмадингиз ҳеч,
Тириклар тилида тирикдай борсиз.
Улуғ хизматингиз унутилмайди,
Кекса-ю ёшларга чин ифтихорсиз.
Кўнгил осмонида чақнаган ўтми
Фарзандлар қўлида ёқиб турибсиз.
Одилжон, ўлганман, дея ўйламанг,
Тириксиз, ҳаётга боқиб турибсиз!*

Муҳаммаднаби ИБРОҲИМОВ
(1940-2000)



Инсондан қолган яхши номни до-нишмандлар иккинчи умр, деб таъриф-лайдилар. Жисмонан йўқ бўлса-да, яхши ишлари ва яхши фазилатлари би-лан булоқбошиликлар хотирасида яша-ётган инсонлардан бири Муҳаммаднаби Иброҳимовдир. У узоқ йиллар халқнинг эсидан чиқмайдиган муҳташам би-нолар бунёд этишда фаол қатнашган қурувчи-муҳандис эди.

Муҳаммаднаби Иброҳимов 1940 йил 23 октябрда Бу-лоқбоши қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Уларнинг оиласи кўпболали бўлган. Бош фарзанд Муҳаммаднаби қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлаб, 1959 йили Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга киради. 1965 йили олийгоҳни бити-риб, вилоятимизга йўлланма олади. Дастлабки иш фао-лиятини «Жанубий Оламушук» нефть қонидаги қурилиш ташкилотида бошлайди.

У 1966 йилда Хўжаобод туманида ташкил этилган колхозлараро қурилиш ташкилотига ишга келади. Бу таш-килот тўрт йил фаолият кўрсатгач, Хўжаобод сув хўжалиги бўлимига муҳандислик вазифасига ўтказилади.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида ташаббускор ва изла-нувчан қурувчи мутахассис сифатида эътибор қозонган Муҳаммаднаби ўнлаб биноларнинг қад ростлашида жон-

бозлик кўрсатди. Жумладан, Жалакудук туманидаги 140 ўринли болалар боғчаси ва сув хўжалиги бошқармаси биноси, Булоқбоши қишлоғида ҳар бири ўн олти квартиралари 3 та турар жой биноси, 140 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси биноси, Хўжаобод шаҳрида сув хўжалиги бошқармаси биноси, А. Набиев номли жамоа хўжалигидаги «Наргиз» савдо комплекси бинолари қурилишида унинг қурувчи-муҳандислик салоҳияти намоён бўлди.

Бундан ташқари ерга ер қўшиш, адирликларга насослар ёрдамида сув чиқариш ишларида ҳам Муҳаммаднаби Иброҳимовнинг катта ҳиссаси бор. Унинг Гулбаҳор-Тешиктош, Қорақўрғон, Завроқ, Ширмонбулоқ насос станциялари қурилишидаги хизматлари таҳсинга лойиқ бўлган. Гап шундаки, орадан қанча вақтлар ўтишига қарамай, бу насос станциялари бугунги кунда ҳам худди кеча ишга туширилгандай бетўхтов ишламоқда.

Булоқбоши пиллакашлик фабрикасининг қурилиши Муҳаммаднаби Иброҳимов номи билан чамбарчас боғлиқлигини кўпчилик билмаса керак. Мазкур фабрика биноларининг пойдеворидан тортиб, томи ёпилиб ишга тушгунига қадар бўлган жараённи Муҳаммаднаби бевосита бошқариб турди, десак муболаға бўлмайди.

- Муҳаммаднаби ўз ишини пухта биладиган муҳандис эди, - деб хотирлаган эди у билан узоқ йиллар бирга ишлаган меҳнат фахрийси Эргашбой ака Хусанов. -Унинг ҳақиқатпарварлиги, ростгўйлиги, ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндошиши, принципааллиги ҳаммага

аён эди. Айниқса, Муҳаммаднаби қурилиш лойиҳаларини чуқур таҳлил қила олар, қоғоздаги чизмалардан бинолар битказилгач, қандай кўринишда бўлишини аниқ тасвирлаб берар эди. Бу ишни анча-мунча муҳандис уддалай олмаслигини ҳаётий тажрибамда синаганман. Шу боисдан Муҳаммаднабининг жамоада обрўси жуда баланд эди.

Муҳаммаднаби Иброҳимовнинг хизматлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. Унга «Жигули» енгил машинаси мукофот қилиб берилган.

Ҳикоямиз қаҳрамони намунали оила бошлиғи ҳам эди. У маҳалладаги ободонлаштириш ва тозалик ишларида фаол қатнашарди. Тўй ва бошқа маросимларда қўлидан келганича хизмат кўрсатарди. Фарзандларининг ўқиши ва ишлари билан мунтазам қизиқиб, танишиб борарди, ўрни келганда ўз маслаҳатлари билан ўртоқлашарди.

У 2000 йил 5 декабрь куни вафот этди.



МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
Ҳожибува Мамаюсупов	4
Абдуқаюм Мамадалиев	7
Самсоқ Матқосимов	9
Жалолдин Юсупов	12
Тўпахон Баротова	15
Абдуваҳоб Ёқубов	17
Тошланбой Ҳусанов	20
Абдумуталиб Сотволдиев	22
Тоџиаҳмад Режапов	25
Қораш Аҳмедов	27
Мамадали Мадиёров	29
Қўчқорҳожи Йўлчиев	31
Эргашбой Ҳусанов	34
Темирбой Турғунов	36
Пирмат Шерматов	38
Тоштемир Бойматов	40
Турсунали ҳожи Охунов	43
Сотволди Қосимов	46
Араббой Мирзаев	48
Лолахон Алихонова	50
Турғунбой Буважонов	52
Даминжон Мадиёров	54
Баҳриддин Холмуҳаммедов	56
Одилжон Абдуваҳобов	58
Муҳаммаднаби Иброҳимов	60

(Вақт ўтиб, архив сураглари хиралашиб кетган, шу боис уларнинг сифати кўнгилдагидек бўлмаганлиги учун китоб-хонлардан узр сўраймиз).

Т. Жалол, А. Ёқубов, Д. Аҳмадалиев

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Андижон, «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА» ОАЖ. 2006 йил. 64 бет.

Муҳаррир	М. Худоёров
Техник муҳаррир	М. Мирзакаримова
Мусаҳҳих	А. Ғозиев
Компьютерчи	Ҳ. Парпиев

2006 йил 12 апрелда босмахонага топширилди.

2006 йил 4 майда босишга рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет босма. 4,5 шартли б. т..

Адади 500 нусха. Буюртма № 928

Баҳоси келишилган нарҳда.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА» ОАЖ босмахонасида босилди.

710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.